

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 30 (1629), 2026 йил 13 февраль, жума



СУДЬЯЛАР ДАХЛСИЗЛИГИ ВА ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШДА АДОЛАТ ТАЪМИНЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 12 февраль куни Судьялар олий кенгаши раисининг ахбороти билан танишди.

Таъкидлаш жоизки, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасида кенгаши раиси одил судловни амалга оширишга тўққунлик қилаётган омиллар ва суд тизимида коррупцияга қарши курашнинг ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига йил якули бўйича ахборот тақдим этиши белгиланган.

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 26 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида коррупцияга йўл қўйиш — ислохотларга хиёнат ҳисобланиши таъкидланиб, мамлакатимизда бу йилда қарши курашиш бўйича жорий йилда “фавқулодда ҳолат” эълон қилинган эди.

Шу сабабли, судлар давлат ҳокимиятининг алоҳида бўлини сифатида “коррупциядан холи” тизимга айланишида намуна бўлиши лозим.

Суд мустақиллигини таъминлаш, судьяларни ташқи босимлардан ҳимоя қилиш учун Судьялар олий кенгаши бевосита масъул ҳисобланади. 2025 йилда алоҳида фармон қабул қилиниб, унга янги ваколатлар берилди. Суд тизими учун юқори маълуми кадрларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида Кенгаши ҳузурида Одил судлов академияси ташкил этилди.

Судьялар олий кенгаши томонидан ўтган йилда 135 нафар номзод илк бор судьялик лавозимига, 286 нафар судья лавозимга қайта тайинланди, 241 нафардан иборат тергов судьялари корпуси шакллантирилди.

Ҳисобот даврида 59 нафар судьянинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилди, жумладан, судьялик қасамёдини бузганлиги ҳамда Судьялар одоби кодексини талабларига риоя этмаганлиги учун 19 нафар судья лавозимидан озод этилди, 3 нафар судья жиноий жавобгарликка тортилди, 58 нафар судьянинг лавозимлари пасайтирилди. Судьялик ваколати муддати тугаган 33 нафар судья навбатдаги судьялик лавозимига нолойиқ деб топилди ҳамда 266 нафар судья интизомий жавобгарликка тортилди.

Ўтган йилда суд фаолиятига аралашганлик ҳолатлари бўйича Бош прокуратурага 5 та тақдимнома киритилди. Кенгашнинг

расмий веб-сайтида судья дахлсизлиги бузилганлиги юзасидан тезкор хабар юбориш имкони яратилди.

Судьялар дахлсизлиги ва мустақиллигини таъминлаш доирасида ҳудудий судлар раислари томонидан чиқарилган 6 мингдан ортиқ буйруқлар ўрганилиб, 231 та буйруқда 314 нафар судьяларга нисбатан одил судлов билан боғлиқ бўлмаган вазифалар юклатилганлиги аниқланган ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан аниқ чоралар кўрилган.

Шу боис, судьяни ўзига хос бўлмаган вазифалардан озод этиш мақсадида суд аппарати ходимлари билан ишлаш, моддий-техник таъминот ва барча ташкилий ишларга масъул бўладиган “суд мамырчилиги” институтини ташкил этиш бўйича илгор хорижий тажриба ўрганилади.

Судьялар мустақиллиги ва дахлсизлигини таъминлаш борасида Судьялар интизомий ҳайъатини ташкил этиш орқали судьяга нисбатан интизомий жазо қўлашнинг ҳолиси тартибини яратиш тақдир қилинди.

Судья ва уларнинг оила аъзолари мол-мулкни декларация қилишни йўлга қўйиш, суд аппарати ходимлари орасида коррупциянинг олдини олишга қаратилган комплаенс назорат тизимини жорий этиш, суд аппарати ходимларини ишга олишнинг очиқ тартибини яратиш каби ташаббуслар илгари сурилди.

Бундан ташқари, мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган давлат сиёсати доирасида суд тизимида ҳам гендер тенгликни таъминлаш масаласи муҳокама қилинди. Жумладан, яқинлашиб келаётган 10 март — Халқаро аёл судьялар кунини нишонлаш бўйича режалар белгилаб олинди.

Президентимиз билдирилган тақлифларни қўллаб-қувватлаб, суд ҳокимияти мустақиллиги, судьялар дахлсизлигини таъминлаш, одил судловни амалга оширишга тўққунлик қилаётган омилларни бартараф этиш йўналишидаги тизимли чора-тадбирларни изчил давом эттириш юзасидан бир қатор тавсиялар берди.

ЎЗА

КРЕАТИВ ИҚТИСОДИЁТ ҲАМ МАДАНИЙ, ҲАМ ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТДАН СТРАТЕГИК МУҲИМ

Президент Шавкат Мирзиёев креатив иқтисодиётни ривожлантириш, маданият муассасалари инфратузилмасини яхшилаш ҳамда янги креатив майдонларни ташкил этиш юзасидан тақдимот билан танишди.

Бугунги кунда креатив иқтисодиёт кўпга давлатларда иқтисодий ўсешнинг асосий драйверларидан бирига айланмоқда. Жаҳон янги ички маҳсулотининг 3-7 фоизи ушбу соҳа ҳиссасига тўғри келади. Мамлакатимизда 2024 йилда креатив иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши 3,7 фоизга ёки 56,8 триллион сўмни ташкил этган, экспорт ҳажми эса 770,6 миллион долларга етган, соҳада 319 минг нафардан ортиқ аҳоли банд.

Аҳолининг 60 фоиздан ортиги ёшлар экани, рақамли инфратузилмани жадал ривожлантирган ҳамда маданий меросимиз бойлиги ушбу соҳада “катта сакраш” қилиш учун муқтаҳкам замин яратаётгани таъкидланди.

Шу мақсадда 2024 йилда креатив иқтисодиёт тўғрисида алоҳида қонун қабул қилиниб, соҳанинг ҳуқуқий асоси яратилган эди. Креатив индустрия парки таъсис этилиб, унинг резидентлари учун махсус солиқ режими жорий этилди. Жумладан, даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоиздан 6 фоизга туширилди. Соҳадаги тадбиркорларга бир қатор бошқа имтиёзлар ҳам берилди.

Мана шу чора-тадбирлар ҳисобига 2030 йилга қадар креатив иқтисодиётнинг ЯИМдаги улушини 5 фоизга ёки 145 триллион сўмга етказиш, экспортни 1 миллиард долларга олиб чиқиш, соҳадаги банд

аҳолини 500 минг нафардан ошириш мақсад қилинган.

Тақдимотда Тошкент шаҳрида жойлашадиган Креатив индустрия паркиннинг концепцияси қўриб чиқилди. Унда яшил боғ, арт-объектлар, халқаро дастурлаш тармоғининг Тошкент мактаби, китоб кафееси, спорт майдонлари, ижодий павильонлар, коворкинг маркази ва офислар, кино ва видео ишлаб чиқариш майдонлари, овоз ёзиш студияси, креатив индустрия кампуси ҳамда ёшлар ва ижодкорлар учун меҳмонхона барпо этилади. Лойиҳа давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилади.

Шунингдек, Янги Тошкент ҳудуди ва Нукус шаҳрида креатив парклар ташкил этилиши режалаштирилган.

Янги Тошкентда креатив парк резидентлари учун ижара майдонлари, студиялар, медиа ва анжуман заллари, тижорат ва хизмат кўрсатиш объектилари жойлаштирилса, Нукус шаҳрининг Истиқлол боғидаги мавжуд павильон реконструкция қилиниб, кўп функцияли жамоат-маданият марказига айлантирилади.

Нукусдаги креатив парк лойиҳасининг этиборли жиҳати шундаки, унда Ўзбекистоннинг “ЭКСПО-2025”даги миллий павильони жойлаштирилади ва ёнида замонавий кутубхона барпо этилади.

▶ Давоми 2-бетда

ТЕХНИК ТАРТИБГА СОЛИШ СОҲАСИ ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАР АСОСИДА ТУБДАН ЯНГИЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев техник тартибга солиш соҳасини халқаро талаблар асосида тубдан янгилаш юзасидан тақдимот билан танишди.

Қайд этилганидек, сўнгги тўрт йилда миллий стандартларнинг ярми халқаро талабларга тўлиқ уйғунлаштирилди. Мамлакатимиз аккредитация тизими 185 та давлат орасида 29-ўринни эгаллади. Миллий лабораториялар натижалари Германия, Корея ва Япония каби 37 та давлат томонидан тан олина бошлади.

Шу билан бирга, хавф даражаси юқори бўлган 156 та товар позициясини мажбурий давлат рўйхатидан ўтказиш бекор қилинди. Мажбурий сертификатдан ўтадиган товарлар позицияси 27 фоизга қисқарди.

Бу тўғрисида соҳада адолатли рақобат муҳити шаклланиши, ортиқча оворагарчилик қамайдиганини тадбиркорларнинг ўзи ҳам тан олмақда.

Шу билан бирга, соҳада ҳали ечимини кутаётган масалалар кўплиги таъкидланди. Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнида биринчи навбатда техник тартибга солиш тизими тўлиқ халқаро талабларга мос бўлиши шартлиги қайд этилди.

Авалло, махсулотни баҳолашда корхона фаолиятини текшириш амалиёти тадбиркорлар норозилигига сабаб бўлаётгани кўрсатиб ўтилди. Амалдаги тартибга кўра, талабга жавоб бермайдиган маҳсулот аниқланганда, унинг айланмаси эмас, уни ишлаб чиқарган тадбиркорнинг фаолияти текланмоқда.

Ривожланган давлатлар тажрибасида хавф-тахдирга асосланган бозор назорати

тизими амал қилади. Бунда ишлаб чиқарувчи маҳсулот мувофиқлигини декларациялаш орқали барча масъулиятни ўз зиммасига олади, сифат ва хавфсизлигини кафолатлайди.

Шу муносабат билан мамлакатимизда давлат назоратидан босқичма-босқич воз кечиб, бозор назорати тамойилларига ўтилади. Бунинг учун “Бозор назорати тўғрисида” алоҳида қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Эскирган стандартлар ва самарасиз техник регламентлардан воз кечиб ва тўлиқ халқаро стандартларга ўтиш зарурлиги қайд этилди. Ҳозирда 33 мингдан ортиқ стандарт мавжуд бўлиб, уларнинг 50 фоизи эскирган ёки халқаро талабларга мос эмас.

Шу боис, 6 та техник регламент бекор қилинади, 29 таси қайта қўриб чиқилади. Жорий йилда 4 минг 460 та, келгуси йилда 2,5 мингдан зиёд, 2028 йилда эса 817 та халқаро стандартни қабул қилиш мақсад қилинган.

2026 йил 1 июлдан тўққимачилик, чарм, мебель, электротехника, автомобилсозлик, ахборот технологиялари, 2027 йилдан бошлаб нефть-газ, металлургия, транспорт, қурилиш маҳсулотлари, тиббий буюмлар, 2028 йилдан бошлаб эса энергетика, кимё, экология ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни тўлиқ халқаро стандартлар асосида ташкил этиш режалари маълум қилинди.

▶ Давоми 2-бетда

АНДИЖОН ВИЛОЯТИДАГИ ИСЛОХОТЛАР АҲОЛИ ҲАЁТИДА АНИҚ ВА СЕЗИЛАРЛИ НАТИЖА БЕРИШИГА ЭРИШИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Андижон вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар ва 2026 йил учун устувор вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказди.

Йиғилиш аввалида қайд этилганидек, Андижон — аҳолиси энг зич жойлашган ҳудуд. Вилоятда 3,5 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, ҳар йили 80 мингта яқин туғилиш қайд этилмоқда.

Ер ресурслари чекланган шароитда ҳар бир гектар ер, ҳар бир лойиҳа ҳамда ҳар бир инвестиция юқори қўшилган қиймат ва барқарор иш ўрни яратиши шартлиги таъкидланди. Бу вилот раҳбарияти олдидаги энг асосий вазифа экани кўрсатиб ўтилди.

2025 йил якулига кўра, янги ҳудудий маҳсулот 107,7 триллион сўмни ташкил этиб, 6,8 фоизга ошди. Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда 7,2 фоиз, хизматлар

ҳажмида 15,1 фоиз, қишлоқ ҳўжалигида 4,7 фоиз ўсиш қайд этилди.

Жорий йилда иқтисодиёт ва саноатни 8 фоизга, хизматларни 16,3 фоизга, қишлоқ ҳўжалигини 5,9 фоизга ошириш мақсад қилинган. Хорижий инвестицияларни 2025 йилдаги 2,5 миллиард доллардан 2026 йилда 3,5 миллиард долларга, экспортни 1,3 миллиард доллардан 1,5 миллиард долларга етказиш режалаштирилган.

2025 йилда 383 минг аҳолининг бандлиги таъминланган бўлса, 2026 йилда 489,5 минг аҳолининг бандлигини таъминлаш, ишсизликни 3,6 фоизга, камбағалликни 2,4 фоизга тушириш муҳимлиги таъкидланди.

Асака, Олтинқўл, Хўжабод, Шаҳрихон туманлари ҳамда Андижон шаҳрини ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудларга айлантириш вазифаси қўйилди. “Оғир” тоифадаги Бўстон, Пахтабод ва Улуғнор туманларида камбағалликни камида икки баробар қисқартириш белгиланди.

Жорий йилда вилотда 798 миллион долларлик лойиҳаларни ишга тушириш режалаштирилгани таъкидланди.

Жумладан, Асака, Булоқбоши ва Шаҳрихон туманларида чарм-пойабзал, қурилиш материаллари ҳамда дастдоҳлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган 3 та микросаноат маркази ташкил этилади. 110 та қишлоқ ҳамда 26 та чегараолди ва олис маҳаллаларда

қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, кичик совиқчилик омборлар ташкил қилиш ва микросаноат лойиҳалари амалга оширилади.

Андижон туманидаги “Ипак йўли” эркин иқтисодий зонасида 100 гектардан ортиқ ер майдони бўш турибди. Ер ресурслари чекланган шароитда тайёр инфратузилмаси бор майдонларда юқори қўшилган қийматли лойиҳаларни жойлаштириш, минглаб иш ўринларини яратиш имкониятидан тўлиқ фойдаланиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Вилоятда қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга алоҳида этибор қаратилади.

▶ Давоми 2-бетда

Ислохот одимлари

БИР ОЙДА 103,5 МИЛЛИАРД СЎМ

ДАВЛАТ ИЖТИМОЙ СУҒУРТАСИ ТИЗИМИНИНГ ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРИ

Давлатимиз раҳбари ўтган йили 29 октябрда ижтимоий суғурта тизимини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар тақдимоти билан танишганди. Тақдимотда миллий ижтимоий суғурта тизимини халқаро ҳужжатларга уйғунлаштириш тақлифи ҳам қўриб чиқилган, унга кўра, энди расман иш билан банд бўлган барча шахсга нафақа босқичма-босқич Давлат ижтимоий суғурта жамғармаси томонидан тўланиши айтилганди.



Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 9 декабрда қабул қилинган “Давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги қонун билан эса давлат ижтимоий суғуртасининг янги тизими босқичма-босқич амалиётга жорий этилади. Аҳолини ижтимоий

ҳимояга кенгроқ қамраб олиш нафақат молиявий қўллаб-қувватлов, балки камбағалликнинг олдини олишга қаратилган самарали механизм сифатида ҳам муҳим.

▶ Давоми 5-бетда

ҲАР БИР ИМКОНИЯТ ВА ИЖТИМОЙ ҚАДАМ — ХАЛҚҚА ҚАЙИШАДИГАН ИШ

Бугун дунё янги иқтисодий ва маънавий босқичга қадам қўяётган бир пайтда давлатлар олдида битта, аммо ўта мураккаб савол турибди: иқтисодий ўсиш ким учун ва қандай натижа бермоқда? Чунки замонавий тараққиёт энди фақат ялпи рақамлар, инвестиция ҳажми ёки экспорт кўрсаткичларига эмас, балки инсон ҳаётидаги ҳақиқий ўзгаришлар билан баҳоланмоқда. Қайси мамлакатда оддий инсон ўз меҳнати орқали кадр топса, келажакка ишончи мустаҳкамланса, ўша жамият барқарор ҳисобланади.

Геосиёсий кескинликлар ва иқтисодий рақобат кучайган шароитда давлат қудратининг ҳақиқий мезони аниқ намоён бўлмоқда: у жамиятнинг энг заиф қатлами



ҳаётида қай даражада сезиларли ўзгариш ярата олмақда? Зеро, бой давлат дегани бой инсонлар жамияти эмас, балки имкониятлар адолатли тақсимланган, меҳнат орқали фаровонликка эришиш мумкин бўлган жамиятдир. Шу маънода, иқтисод мақсад эмас, инсон учун хизмат қиладиган воситига айланмоғи шарт.

Рақамлар ортидаги инсон тақдири

Глобаллашув даврида иқтисодий рақобат, технологиялар ва молиявий ресурслар учун кураш бир томонда бўлса, иккинчи томонда дунё аҳолисининг бир қисми ҳануз фақат асосий эҳтиёжлар учун курашиб

яшашга мажбур. Бу қарама-қаршилик нафақат моддий, балки маънавий ҳамдир. Шунинг учун ҳар бир давлат учун иқтисодий ўсишнинг асосий мезони инсон ҳаётидаги ўзгаришлар ва аҳоли учун яратилган барқарор имкониятлардир.

▶ Давоми 3-бетда



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz_news

КРЕАТИВ ИҚТИСОДИЁТ ҲАМ МАДАНИЙ, ҲАМ ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТДАН СТРАТЕГИК МУҲИМ

Бошланиши 1-бетда

Юртимиздаги маданият марказлари фаолияти танқидий таҳлил қилинди.

Республикадаги 800 дан ортиқ маданият марказининг яримдан кўпи таъмирталаб ҳолатда экани қайд этилди. Аксарият маданият марказлари ҳалигача эскича ишлаётгани, асосан байрам тадбирларини ўтказиш билан чеклиниб қолгани кўрсатиб ўтилди.

Шу боис, маданият марказларини замонавий андоза асосида ривожлантириш бўйича пилот лойиҳа ишлаб чиқилган. Лойиҳа Тошкент, Қўқон, Бухоро ва Самарқанддаги 4 та марказни қамраб олган бўлиб, биринчиси Тошкент шаҳридаги "Гулшан" маданият маркази негизда ташкил этилмоқда. Унда "маданият — таълим — ҳордиқ — мулоқот" занжир асосида турли йўналишлардаги клублар, устaxonалар, студиялар ва тўғараклар ташкил этилади.

Тақдиротда Буюк Британия Қироллик жағфармаси мактаби тажрибаси асосида Тошкент шаҳрида Аньанавий санъат олий мактабини ташкил этиш режалари ҳам кўриб чиқилди.

Ушбу олий мактаб кулолчилик ва гишт териш, манзарали безак, ёғоч ўймакорлиги, архитектуравий ҳаттоглик, геометрик ва биоморф нақш йўналишларида бакалаврият ва магистратура дастурларини амалга оширади. Таълим инглиз тилида олиб борилади, икки йиллик дастур асосида мутахассислар тайёрланади. 2027 йилда 50 нафар мутахассис тайёрлаш, 2031 йилга келиб, йилига 80 нафар кадр қувватига чиқиш режалаштирилган.

Шунингдек, тақдиротда Миллий реставрация институтини ташкил қилиш, Самарқанд шаҳридаги Биҳоним масжидини реставрация қилиш, "Туркистон" ёғи амфитеатрини таъмирлаш лойиҳалари кўриб чиқилди. Лойиҳалаштириш ва реставрация ишларини ЮНЕСКО билан тўлиқ келишилган ҳолда бажариш зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари креатив иқтисодиётни ривожлантириш нафақат маданий, балки иқтисодий жиҳатдан стратегик муҳим эканини таъкидлаб, белгиланган лойиҳаларнинг ижросини сифатли таъминлашга қўсатма берди.

ЎЗА

ТЕХНИК ТАРТИБГА СОЛИШ СОҲАСИ ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАР АСОСИДА ТУБДАН ЯНГИЛАНАДИ

Бошланиши 1-бетда

Сертификация жараёнини янада содда-лаштириш зарурлиги қайд этилди. Ҳозирги мураккаб тизим таннарх асосида ошишига, бюрократия ва коррупцияга шароит яратиб бергани кўрсатиб ўтилди. Хавф-тахлил асосида баҳолаш тизими жорий этилиб, қолган товар позициялари бўйича ҳам мажбурий сертификатлашни бекор қилиш ва босқичма-босқич декларациялашга ўтказиш таклиф қилинди.

Умуман, "Маҳсулотнинг умумий хавфсизлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳасини қабул қилиш мақсадга мувофиқ экани таъкидланди.

Соҳада институционал ўзгаришлар амалга оширилади. Техник тартибга солиш агентлиги таркибидagi ташкилотлар — "Ўзтест" марказини тутатиш ва Аккредитация марказини Вазирлар Маҳкамаси бўйсунувида ўтказиш орқали 5 тадан 3 тага қисқартирилиши белгиланди.

ЎЗА

ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ МИРАКБАР ҲОЖИАКБАРОВИЧ РАҲМОНҚУЛОВ



Таниқли давлат ва жамоат арбоби, Олий Мажлис Сенати аъзоси, юридик фанлар доктори, профессор Миракбар Ҳожаикбарович Раҳмонқулов шу йил 11 февраль куни 74 ёшида вафот этди.

Миракбар Раҳмонқулов 1952 йил 5 октябрда Тошкент шаҳрида туғилди. 1975 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)ни ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича тамомлаб, Давлат режа қўмитаси хузуридаги иқтисодиёт илмий-текшириш институтида кичик илмий ходим сифатида меҳнат фаолиятини бошлади. Кейинчалик Ўзбекистон Ешлар иттифоқи Марказий қўмитаси, Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Олий Совети Президиумида турли лавозимларда хизмат қилди.

1992-1994 йилларда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг биринчи проректори вазифасида ишлаб, таъшиқ сўраш соҳасида замонавий билимга эга малакали кадрларни тайёрлаш ишларига катта ҳисса қўшди.

Миракбар Раҳмонқулов Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Стратегик ва минақалараро тадқиқотлар

институти директори, Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори ўринбосари лавозимларида фаолият юритиб, юртимизда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича муҳим стратегик тадқиқотларга раҳбарлик қилди.

Мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатида давлат дастурлари, концептуал ҳужжатлар ва қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқишида фаол иштирок этди.

Айни вақтда салоҳиятли олим сифатида минтақавий хавфсизлик масалалари, хорижий давлатлар билан кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш истиқболларига бағишланган қатор монография ва илмий-усlubий қўлланмалар яратди.

Тажрибали сиёсатчи, фаол ва ташаббускор давлат хизматчиси сифатида М.Раҳмонқулов кўп йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгашининг котиби вазифаларида хизмат қилди. 2022 йилдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрациясида масъул вазифаларда ишлаб, ўзининг бой тажрибаси, чуқур билим ва салоҳияти, фойдойиллик ва ватанпарварлик фазилатларини намоеён этди.

Сўнгги йилларда у Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институтига раҳбарлик қилиш билан бирга Олий Мажлис Сенатининг аъзоси сифатида ҳам самарали фаолият олиб борди.

Миракбар Раҳмонқуловнинг давлатимиз ва халқимиз олдидаги улкан хизматлари муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист" фахрий унвони, "Фидокорона хизматлари учун" ва II даражали "Шон-шараф" орденлари билан мукофотланган эди.

Таниқли давлат ва жамоат арбоби, йирик ҳуқуқшунос олим, ёшларнинг меҳрибон устози, самимий ва камтарин инсон Миракбар Раҳмонқуловнинг хотираси қалбларимизда доимо сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Ш. АЮПОВ

АНДИЖОН ВИЛОЯТИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР АҲОЛИ ҲАЁТИДА АНИҚ ВА СЕЗИЛАРЛИ НАТИЖА БЕРИШИГА ЭРИШИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Жорий йилда пахтачиликда ҳосилдорликни ошириш мақсадида хорижий навлар жойлаштирилган ва илгор "76x10" схемаси асосида экиладиган пахта майдонларини кенгайтириш, 472 доня янги техника харид қилиш режалаштирилган. 2 минг гектар кам самарали эски боғлар интенсив боғларга айлантирилади, 6,8 минг гектар ер фойдаланишига қайта киритилади.

Янги тажриба сифатида Олтинқўлда гулчилик, Избосканда кўчатчилик, Асакада иссиқхоначилик, Кўргонтенада сабзавотчилик, Булоқбошида узумчилик бўйича томорқа мактаблари ташкил этилади.

2025 йилда вилоятта 460 минг хорижий ва 1,8 миллион маҳаллий турист келган. Жорий йилда хорижий туристлар сонини 700 мингга, маҳаллий сайёҳларни эса 2,5 миллионга етказиш мақсад қилинган.

Шу мақсадда Булоқбошидаги "Ширмонбулок", Хўжаободдаги "Имом ота" ва Хонободдаги туризм марказларини ривожлантириш учун алоҳида дирекция очилди. Туман ва шаҳар марказларидаги 91 та маҳаллани боғловчи гавжум кўчаларда савдо, дам олиш ва кўнгилочлар масканлар барпо этилади.

Андижонда уй-жой масаласи бошқа ҳудудларга нисбатан анча долзарб. Жорий йилда вилоятдаги "Янги Ўзбекистон" массивларида 54 та, бошқа ҳудудларда эса 158 та кўп қаватли уйлар курилиши кутилмоқда.

"Курилишга тайёр ер" тизимини жорий этиш орқали лойиҳаларни бошлаш муддатини 120 кундан 30 кунгача қисқартириш имконлиги кўрсатиб ўтилди. Жалақудуқда ушбу янги тизим асосида замонавий уй-жойлар куриш бўйича тажриба бошланади.

Вилоятда 11 та олий таълим муассасаси фаолият юритмоқда, 94 мингдан ортиқ талаба таҳсил олмақда, 56 та техникумда 46 минг нафар ўқувчи касбларга ўргатиламоқда. Олийгоҳлардаги илмий салоҳиятни ошириш, дуал таълим қамровини кенгайтириш чоралари белгилаб олинди.

Тиббиёт техникумларига тил ўргатиш бўйича илгор хусусий таълим ташкилотларини жалб қилиб, йилига 4 мингдан зиёд

ёшларнинг Европа давлатларида ишга жойлаштиришга қўмақлашиш ташаббуси қўлаб-қувватланди.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ижтимоий реестрга кирмаган оилаларнинг иқтисодий фарзандларига ҳам спорт, маданият ва санъат соҳасидаги ташаббуслари учун "Ёшлар дафтари" жағфармасидан 41 миллион сўмгача субсидия бериш таклиф қилинди. Президентимиз ушбу тартибни Андижон вилоятидан бошлашни топширди.

Давлатимиз раҳбари йнғиллиш якунида белгиланган вазифалар ижроси Андижон аҳолиси ҳаётида аниқ ва сезиларли натижа бериши шартлигини таъкидлаб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

ЎЗА

ОДДИЙ ОДАМЛАР ЎЗГАРИШЛАР НАФАСИНИ ҲИС ҚИЛМОҚДА

Бунёдкорлик барча даврларда жамият тараққиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, тамаддун ривожининг бош омили сифатида намоеён бўлиб келган. У халқ фаровонлигини таъминлаш, иқтисодий салоҳиятни ошириш, ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашда ҳам энг муҳим воситалардан бири.

Янги Ўзбекистондаги кенг қўламли курилиш ва бунёдкорлик ишлари ҳам ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. Бу жараён аҳоли сони ўсиши, жадал урбанизация, sanoat ва инфратузилманинг изчил ривожланиши билан узвий боғлиқ ҳолда кечаётир.

Курилиш ва бунёдкорлик бинолар барпо этиш билан чекланиб қолмай, ҳудудларнинг иқтисодий қиёфасини янгилаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, келажак авлод учун мустаҳкам пойдевор яратишга қаратилган яхлит жараёни англатади. Айниқса, истиқболли режалар асосидаги лойиҳалар ҳудудларнинг инвестициявий жозибдорлигини оширишга, янги иш ўринлари яратилишига ва тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилаётир.

Кенг қамровдаги курилиш ва ободонлаштириш натижасида Жиззах шаҳри ва вилоятнинг қиёфаси тобора янгиланапти. Замонавий турар жой мажмуалари, кўчалар, қўлай ва хавфсиз кўприклар барпо этилиши аҳоли учун муносиб яшаш муҳитини шакллантирмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ҳудуд аҳолисининг кўндалик ҳаётини яхшилаш, вақт ва ресурсларни тежаш, умуман олганда, фаровон турмушни таъминлаш йўлидаги энг муҳим ташаббуслардан бири бўлаётир.

— Утган 2025 йилда Жиззахда курилиш ва уй-жой соҳасида салмоқли натижаларга эришилди, — дейди вилоят курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи Бобур Маматов. — Шу даврда 51 та кўп қаватли уй-жой фойдаланишга қабул қилинди. Жумладан, "Янги Ўзбекистон" массивларида 13 та замонавий уй-жой ўз эгаларига топширилди.

2025 йилда давлат дастурлари доирасида вилоятда 98 та ижтимоий соҳа объекти,



Тараққиёт манзиллари



Жиззах вилоятидаги курилиш ва бунёдкорлик ишлари нафақат вилоят марказида, балки туманларда ҳам авж олган. Бунинг яққол мисоли — Дўстлик туманидаги Чинобод маҳалласидаги "Янги Ўзбекистон" турар жой массиви. Бугун бу лойиҳа кенг жамоатчилик эътиборини тортиб, шаҳарсозлик ва уй-жой курилиш соҳасидаги изчил ислохотларнинг амалдаги самараси сифатида аҳоли турмушига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

— Илгари қиш фаслида анча қийналардик, — дейди Жиззах шаҳридаги кўп қаватли уйлардан бирида истиқомат қилувчи Феруза Қобилова. — Уйимиз анча эски — 1974 йилда курилган. Совуқ кунларда ушбу иситиш жуда мушкул, ёзда эса хаддан зиёд қизиб кетарди. Реновация дастури доирасида уйимиз базальт қопламаси билан қопланганидан кейин вазиет туздан ўзгарди. Ҳозир қишда хонадон анча илқ, ёзда эса салқин. Энергия сарфи сезиларли даражада камайди, газ ва электр учун тўловлар ҳам анча қисқарди. Энг қувонарлиси, уйимиз нафақат яшаш учун қўлай, ташқи кўриниши ҳам анча чиройли ва замонавий тўс олди. Илгари эскирган бинолар энди маҳаллаларнинг кўрнгига айланган.

Халқ розилиги ва бунёдкорлик йўналишидаги ислохотларнинг ҳаётий аҳамиятини янги уйга қўйиб ўтган фуқароларнинг қайфияти ва муносабати ҳам яққол намоеён этади.

— Бугун аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасидаги кенг қўламли ислохотларнинг амалий натижасини ўз ҳаётимда ҳис қилганим, — дейди Ғайрат Шарипов. — Кўп йиллар давомида оилам билан ижара уйларда яшаб келдик. Бу осон эмас, ойма-ой тўлов, турар жойнинг ноқулайлиги, эртанги кунга ишончининг тўлиқ бўлмалиги инсонни



қийнайди. Шу боис, ўз уйим бўлиши катта орузм эди. Давлат томонидан кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, уй-жой хариди учун субсидиялар ажратилаётгани ҳақида эшитиб, ҳужжат топширдик. Очиги, бундай имкониятга эга бўлишга унчалик ишонганман. Аммо адолатли ва шаффоф тизим асосида аризм маъқулланиб, ўтган йили "Янги Ўзбекистон" массивидан замонавий, шинам уй сохиби бўлдим. Кейин ҳаётимиз туздан ўзгарди. Болаларим тинч ва хавфсиз муҳитда ўсмоқда, қўшниллар билан аҳил муносабат, инфратузилма, мактаб ва боғчалар яқинлиги кўндалик турмушимизни анча енгиллаттирди. Эртанги кунга ишонч кучайди.

Жиззах вилоятидаги курилиш ва бунёдкорлик ишлари нафақат вилоят марказида, балки туманларда ҳам авж олган. Бунинг яққол мисоли — Дўстлик туманидаги Чинобод маҳалласидаги "Янги Ўзбекистон" турар жой массиви. Бугун бу лойиҳа кенг жамоатчилик эътиборини тортиб, шаҳарсозлик ва уй-жой курилиш соҳасидаги изчил ислохотларнинг амалдаги самараси сифатида аҳоли турмушига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Лойиҳа доирасида жами 50 та беш қаватли уй курилиши режалаштирилган. Шу кунга қадар 15 таси фойдаланишга топширилди. Қолган уйлар эса босқичма-босқич, режа асосида барпо этилаётир.

— Саккиз йил ижарада яшаганимиздан кейин мана шундай шинам уй эгасига айландик, — дейди ушбу мавзедда яшовчи Юлдуз Мухаммедова. — Уйимиз бошлангич бадалининг бир қисми давлат томонидан субсидия асосида тўланди. Янги уйларимиз анча кенг ва қўлай, болаларимиз учун майдонча ҳам бор. Газ ва электр таъминоти зулуксиз. Уйларимиз девори энергия тежамкор маҳсулотлар билан қоплангани учун коммунал тўловлар харажатлари анча қисқарган. Ўзим ҳам, турмуш ўртоғим ҳам ўқитувчи. Юртимизда шундай эзгу ишлар авж олаётганидан мамнунман.

Утган йили вилоятда кенг қўламли кўп қаватли уй-жой, ижтимоий соҳа объекти ва уйлар курилиши билан бирга аҳоли учун ҳаётий аҳамиятга эга бўлган

транспорт инфратузилмаси ҳам салмоқли даражада ривожлантирилди. Янги автомобил йўллари, кўприклар, пиёдалар учун ер ости ва пиёда ўтиш йўллари барпо этилди, бу эса шаҳар ва қишлоқлар орасидаги ҳаракатни сезиларли даражада енгиллаттирди.

Хусусан, Жиззах шаҳрини халқаро аҳамиятга эга М-39 автомагистрали билан боғловчи янги йўл ва йўл ўтказгичлар аҳоли учун катта қўлайлик яратди. Энди автомобил қатнови тез ва хавфсиз амалга оширилади, йўл ҳаракати билан боғлиқ тўсиқлар сезиларли даражада камайди. Бу нафақат транспортдаги вақтни тежашга ёрдам берди, балки маҳаллалар ва янги турар жой массивлари билан шаҳар марказини боғлаш, савдо ва хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтиришда ҳам муҳим омил бўлди.

— Жиззах шаҳрини М-39 магистрала билан боғловчи тўрт тасмали, иккита туннел, битта йўл ўтказгич ва битта кўприкдан иборат тўрт километр автомобиль йўли фойдаланишга топширилди, — дейди Жиззах шаҳри ҳокими Комил Холмуродов. — Бу кўприк ва йўл Жиззах аҳолисининг кўп йиллик орузси эди, десам хато қилмайман. У нафақат шаҳар транспорт оқимини енгиллаттирди, балки яқин келажакда замонавий турар жой бинолари, савдо ва хизмат кўрсатиш объектилари барпо этилиши учун ҳам муҳим асос яратди. Йўл атрофида яшил майдонлар ташкил этилиши режалаштирилмоқда, бу эса шаҳар муҳитини янада обод ва замонавий қилади. Демак, кучли транспорт инфратузилмаси ортдан аҳоли учун қўлайлик ва фаровонлик таъминланади.

Мазкур йўл шаҳарнинг кенгайишида ҳам асосий вазифани бажаради. Яқин келажакда "Янги Ўзбекистон" массиви билан боғланган янги қўшимча маскан курилади. Бу эса нафақат шаҳарнинг географик чегараларини кенгайтириш, балки инфратузилмасини ривожлантириш ва аҳоли учун замонавий турмуш муҳитини яратишга муҳим қадам ҳисобланади.

Фарҳод НЕЪМАТОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири



Шарҳ

ҲАР БИР ИМКОНИЯТ ВА ИЖТИМОИЙ ҚАДАМ —

ХАЛҚҚА ҚАЙИШАДИГАН ИШ



Сардор ТОЛИБОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бошланиши 1-бетда

Ана шундай глобал жараёнлар фониди 23 январь куни давлатимиз раҳбари раислигида камбағалликни қисқартриш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича 2026 йилда амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Бу йиғилиш мазмун-моҳиятига кўра фақат иқтисодий ҳисоб-китоблар муҳокамаси эмас, балки одамлар ҳаётига бевосита таъсир қилувчи муҳим ижтимоий воқеа сифатида аҳамият касб этди.

Давлатимиз раҳбари 2025 йил якунларига тўхталар экан, иқтисодиётда эришилган натижаларни шунчаки рақамлар билан эмас, балки уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни билан боғлаб таҳлил қилди. Иқтисодиётнинг 7,7 фоиз ўсиши ва ялпи ички маҳсулот ҳажми 147 миллиард доллардан ошгани, аввало, меҳнат бозоридаги фаоллик, иш ўринлари ва аҳоли даромадлари кўпайиши демакдир.

Иқтисодиётнинг барча тармоқларида ўсиш суръатлари 2024 йилдагига нисбатан юқори бўлгани, хорижий инвестиция ҳажми 43 миллиард долларга, экспорт 33,8 миллиард долларга етгани Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва рақобатбардорлиги охири бораятганини кўрсатади. Бу рақамлар шунчаки статистика эмас, балки мамлакатнинг ташқи бозорларда ўз ўрнини топаётгани, ички имкониятлар эса ташқи ишонч билан уйғунлашганлигининг яққол далилидир.

Айни пайтда юқори иқтисодий фаоллик шароитида инфляция даражаси 9,8 фоиздан 7,3 фоизга тушиши аҳоли даромадларининг ҳақиқий қийматини сақлаб қолишда муҳим омил бўлди. Бу ҳолат иқтисодий ўсишнинг сифат жиҳатидан ҳам барқарор эканини аниқлатади. Президентимиз таъкидлаганидек, иқтисодиёт қанчалар барқарор бўлса, инфратузилмани ривожлантириш, ижтимоий соҳаларга сармоа йўналтириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш имкониятлари шунчалар кенгайди. *Мустаҳкам пойдевор сиз биламиз каби барқарор иқтисодиёт сиз фаровон ҳаёт ҳам бўлмайди.*

Мамлакатдаги ислохотлар нафақат иқтисодий ўсишга, балки ижтимоий барқарорликка ҳам қаратилган. 2025 йилда 366 минг

оила камбағалликдан чиққани, камбағаллик даражаси 8,9 фоиздан 5,8 фоизга, ишсизлик эса 5,5 фоиздан 4,8 фоизга тушгани бу рақамлар ортда минглаб оилалар ҳаётидаги реал ўзгаришлар, болаларнинг таълимга, катталарнинг эса меҳнат орқали ўз ўрнини топишга бўлган умиди мужассам.

Камбағалликни қисқартриш сиёсати иқтисодий самардорликдан ҳам кенгроқ маъно касб этади. Бу инсон қадрияти тиклаш, меҳнати ва салоҳиятини жамият тараққиётининг асосий омил сифатида эътиборга олинди. Чунки инсон фақат кун кечирин эмас, балки ўз иқтидори орқали ҳаётга маъно киритиш учун яшайди. Давлат сиёсати айнан шу имкониятларни яратишга қаратилганда ислохотлар ҳақиқий мазмун касб этади.

Видеоселектор йиғилиши ва унда белгиланган вазифалар нафақат иқтисодий ислохотларнинг навбатдаги босқичи, балки халққа хизмат қилиш, ижтимоий адолатни таъминлаш ва инсон манфаатларини устувор қўйиш йўлидаги узвий жараён сифатида намоён бўлди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Бир инсоннинг ҳаётини яхши томонга ўзгартириш фақат бир неча йиллик хизматлар билан чегараланмайди, у бир неча юз йилга татийдиган самара бериши мумкин. Бугун иқтисодий қийинчиликдан чиқиб, имконият ва иқтидорга эга бўлган инсонлар ўзини қанчалар бирга атрофдагилар ҳаётини ҳам яхшилайдилар. Уларнинг дунёқараш ва фаолияти оилдан ташқари бутун жамиятда ижтимоий ва маънавий уйғунлиқни нукталарига айланиши мумкин.

Ҳар бир имконият, ҳар бир дастур ва ҳар бир инвестиция нафақат иқтисодий қадам, балки инсон қадрияти ва унинг ҳаётини яхшилашга қаратилган маънавий ҳаракат саналади. Давлат ва халқ ўртасидаги бу ишонч ва ҳамжиҳатлик замонавий Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлидаги энг муҳим устуворликдир.

Камбағалликка қарши комплекс стратегия

Жамиятнинг руҳи унинг энг кичик бирлигида — маҳаллаларда яшайди. Ҳар бир маҳалла нафақат уйлар ва кўчалар йиғиндиси, балки одамлар орзу-умиди, меҳнати ва ижтимоий ҳаётининг марказидир. Шу боис, камбағаллик ва ишсизликка қарши чора-тадбирлар иқтисодий кўрсаткич эмас, балки халққа қаратилган ҳамнафас хизматдир. Ҳар бир яратилган имконият, қўйлаётган ҳар бир қадам маҳалла аҳли ҳаётида сезиларли ўзгариш яратяда ҳамда келажак авлод учун барқарор ижтимоий ва иқтисодий меросни таъминлайди.

Маҳалла ислохотларнинг асосий “боғи” саналади. Агар маҳаллада ишсиз шахслар ёки камбағал оилалар сақланиб қолса, демак, давлатнинг дастурлари ва қарорлари жойига етиб бормасан, тизим самарасиз ишламоқда. Шу нуқтанга назардан қаралса, маҳалла ва “еттилик” тизими халқ муаммоларини аниқ ва самарали ҳал қилишда асосий механизмдир.

Жорий йил учун камбағалликни қисқартриш бўйича белгилаб қўйилган мақсадлар



катта. Жумладан, 1 миллион аҳолини доимий иш билан таъминлаш, 181 минг оилани камбағалликдан чиқариш, камбағалликдан холи маҳаллалар сонини 2,5 баробар ошириб, 3,5 мингтага етказиш ва ишсизлик ҳамда камбағаллик даражасини 4,5 фоизга тушириш. Бу режалар халқ ҳаётида жиддий ўзгариш қилишга қаратилган барқарор стратегиядир. Албатта, бундай маррага эришиш осон эмас. Бу йўлда фаол иштирок этиш ҳар бир шахсдан масъулият талаб қилади. Шунингдек, имкониятларни оқилона ишга солиш ва ижтимоий натижага айлантириш лозим.

Маҳаллаларнинг иқтисодий салоҳиятини оширишда кичик кўб электр станциялари муҳим восита сифатида эътиборга олинган. Жорий йилда 903 та маҳаллада ҳар бирининг қуввати 300 киловатт бўлган станциялар қурилиши белгиланган. Улар маҳаллада кўшимча даромад манбаи яратиш билан бирга оилаларни иш билан таъминлайди, энергия тежамкорлик ва “яшил” лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради.

Бу тадбирлар иқтисодий, ижтимоий ва экологик аҳамиятга ҳам эга. Кўб энергияси табиғий муҳитга зарар қилмай, углеводород ёнилғилардан фойдаланишни камайтириш ва атмосферани ифлосланшидан ҳимоялаш имконини беради. Шу билан бирга, маҳаллаларда яшовчи камбағал оилаларнинг даромади ортиб, уларда ижтимоий барқарорлик ва ҳамжиҳатлик пайдо бўлади. Шу маънода, кичик кўб электр станциялари фақат энергия манбаи эмас, балки маҳалла иқтисодиётининг янги қуввати, барқарор ижтимоий тараққиётнинг муҳим элементидир.

Сунгги йилларда дунё миқёсида озиқ-овқат хавфсизлиги энг долзарб муаммолардан бирига айланган. Аҳоли сонини ўсиши, иқлим ўзгариши ва ресурслар чекланганлиги шароитида ҳар бир давлат ўз ички имкониятларига таяниб, барқарор ечимларни изламоқда. Бу жараёнда қишлоқ хўжалиги, айниқса, аҳоли томирлари ва фойдаланимай келаятган ер майдонларини ишга солиш нафақат маҳсулот етиштириш, балки аҳоли бандлигини таъминлашнинг ҳам муҳим манбаи сифатида намоён бўлмоқда.

Бугун юртимизда томорқа маданияти босқичма-босқич шаклланиб бормоқда. Кўплаб оилалар ўз томорқасидан унумли фойдаланиб, нафақат оила эҳтиёжини қондиришмоқда, балки бозорга маҳсулот чиқариб, барқарор даромад манбаига эга бўлмоқда. Бу — амалий натижа, реал ҳаёт ҳақиқати. Албатта, гуруч курмасиз бўлмайди, яъни бу йўлда муаммо ва камчиликлар йўқ эмас. Аммо муҳим жиҳати шундаки, тизим ишлапти, тажриба тўпланипти ва энг асосийси, одамларда ерга, меҳнатга ва ўз имкониятига ишонч ортапти.

Ана шу жараёнда ишсизлик ва камбағалликни қисқартришда маҳаллаларнинг иқтисодлашуви алоҳида аҳамият касб этмоқда. Хусусан, 903 та “огир” маҳаллада 100 минг гектар томорқа ва ижара ерлари мавжуд. Агар ҳокимлар ва “маҳалла еттилиги” сув таъминотини яхшилаш, аҳолини уруғ ва кўчатлар билан таъминлаш, иш жараёнини тизимли ташкил этишга эътибор қаратса, аҳоли даромади ва турмуш сифатида сезиларли ижобий ўзгаришлар пайдо бўлади.

Бу йўналишда давлат томонидан кўшимча молиявий механизмлар жорий этилмоқда.

Жумладан, томорқа ер эгалари учун қўчат харидининг 50 фоизи қоплаб берилиши, “шпалер”лар учун субсидиялар ажратилиши, томчилик сўғориш тизимини жорий этиш учун компенсациялар тўлиниши белгиланган ердан самарали фойдаланишни рағбатлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва аҳолида ўзини ўзи таъминлаш маданиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Шунингдек, пиллачилик кооперацияси ва уйда пилла етиштиришни йўлга қўйиш орқали ҳам аҳоли иқтисодий фаоллиги қўллаб-қувватланяпти. Бу соҳада иш бошлаш истагида бўлган оилаларга 20 миллион сўмгача физсиз ссуда ажратилиши, йил давомида 2 минг гектар ўрмон ерларининг 4 минг камбағал оилаларга 50 сотихдан берилиши нафақат даромад манбаи, балки оилалар учун узоқ муддатли барқарор ҳаёт пойдеворидир. Пиллачилик маҳаллаларда кўшимча иш ўринлари яратиш, оилаларни уй шароитида меҳнат билан таъминлаш имконини беради.

Мазкур чора-тадбирлар давлатнинг инсон қадрига муносабатини, ижтимоий адолат ва масъулиятни амалда намоён этишидир. Зеро, ижтимоий барқарорлик ҳар бир оиланинг розилиги ва ҳаётдан мамнунлигига мўжассам бўлади.

Бандлик ва даромад манбаи

Ҳар қандай барқарор иқтисодий тизимнинг таянчи кичик ва ўрта бизнесдир. Чунки айнан шу соҳа жамиятнинг энг қўйи катламларига етиб борадиган, инсон ташаббуси ва меҳнати иқтисодий қудратга айлантирадиган муҳим механизм ҳисобланади. Кичик ва ўрта бизнес фақат корхоналар ёки тадбиркорлик субъектлари эмас, балки миллионлаб оиланинг кундалик турмуши, орзу-умидлари ва мустақил ҳаётга интилишининг ифодасидир. Шу маънода, давлат иқтисодиётининг барқарорлиги, аввало, маҳалла ва оила даражасида шаклланган тадбиркорлик муҳитига боғлиқ. Зеро, иқтисодий кучли бўлса, жамият барқарор, жамият барқарор бўлса, давлат мустаҳкам бўлади.

Ана шу тамойилдан келиб чиқиб, жорий йилда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун 140 триллион сўмлик кредит ресурслари ажратилиши белгиланди. Бу маблағ нафақат иқтисодий фаолликни ошириш, балки аҳолининг ўз кучига ишончини мустаҳкамлаш, меҳнат орқали фаровонликка эришиш имкониятини яратишга қаратилган. Хусусан, 37 та “огир” туманда “Оилавий тадбиркорлик” дастури доирасида 12 фойзлик имтиёзли кредитлар тақдим этилиши маҳаллаларда янги иқтисодий ҳаракатни бошлаб бериши билан аҳамиятлидир.

Имтиёзли кредитларнинг энг юқори миқдори барча туманларда 1,5 баробар оширилиб, 50 миллион сўмга етказилиши ҳам тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлашга қаратилган аниқ қадамдир. Бу чора маҳаллаларда “иккинчи иқтисодий қават”ни, яъни иш ҳақиға қарам бўлмаган, мустақил даромад манбаига эга аҳоли қатламини шакллантиришга хизмат қилади. Зеро, иқтисодий мустақил инсон фаол фуқаро, фаол фуқаро эса жамият таянчидир.

Шунингдек, импорт қилинган ва сертифициланган насли чорва учун 100 миллион сўмгача, уй меҳмонхонаси, кичик музлаткичлар, маҳсулотни сақлаш ва қайта ишлаш

“
Иқтисодиётнинг 7,7 фоиз ўсиши ва ялпи ички маҳсулот ҳажми 147 миллиард доллардан ошгани, аввало, меҳнат бозоридаги фаоллик, иш ўринлари ва аҳоли даромадлари кўпайиши демакдир.



минитехнологиялари учун 150 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратилиши тадбиркорлик турларини диверсификациялашга хизмат қилади. Бу эса маҳаллаларда фақат хомашё етиштириш эмас, балки кўшимча қиймат яратиш, қайта ишлаш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ҳам ривожлантириш имконини беради.

Айниқса, чегара ва анклав ҳудудларда жойлашган 563 та маҳаллада тадбиркорлик лойиҳалари учун кредит миқдорининг 1 миллиард сўмгача оширилиши стратегик аҳамиятга эга. Бу ҳудудларда иқтисодий фаолликни кучайтириш нафақат даромаднинг ошириш, балки ижтимоий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга ҳам хизмат қилади. Мазкур мақсадда “Оилавий тадбиркорлик” дастурига ажратилган



3,6 триллион сўмдан ташқари яна 2 триллион сўм кўшимча ресурс йўналтирилиши давлатнинг ушбу соҳадаги қатъий иродасини намоён этади.

Маҳаллалар иқтисодлашувини чуқурлаштириш ва маҳсулот етиштиришни рағбатлантириш учун 17 триллион сўм банк кредитлари ажратилиши, уларнинг 4 фойзи маҳсулот етиштиришда, 6 фоизи эса қайта ишлаш лойиҳаларида компенсация қилиниши тадбиркор учун молиявий юқини енгиллаштиради. Бу эса ташаббусни қўллаб-қувватлайди, кўрқув ўрнини ишонч, интилишни эса натижа билан алмаштиради.

Бундан ташқари, маҳалла тадбиркорлари ва ҳоким ёрдамчилари малакасини ошириш мақсадида Хитой, Туркия, Жанубий Корея ва Малайзия каби давлатларга бир ойлик стажировкалар ташкил этилиши ислохотларнинг институционал асосини мустаҳкамлайди. Чунки билим ва тажриба билан қувватланган ислохот барқарор натижа бермайди. Профессонал раҳбарлик ва масъулият эса камбағалликни қисқартришда ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Бу чора-тадбирлар давлатнинг инсон қадрига муносабатини, ижтимоий адолат ва барқарор тараққиётга интилишини яққол кўрсатади. Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодий ўсиш билан бир қаторда инсоннинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш, меҳнат орқали қадр топиш имконияти яратилмоқда.

Шу маънода, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш фақат иқтисодий сиёсат эмас, балки халқ ва давлат ўртасидаги ишонччи мустаҳкамлайдиган, ижтимоий ҳамжиҳатликни таъминлайдиган стратегик йўлдир. Ҳақиқий тараққиёт пул ва рақамларда эмас, балки инсон ҳаётидаги сезиларли ўзгаришларда намоён бўлади. Ана шу гоя замонавий Ўзбекистон ислохотларининг асосий фалсафасини белгилаб бермоқда.

Адолатли подшоҳ Хорун ар-Рашид ҳақида бундай ривоят бор. Бир куни у шикорга чиққан пайтида ўтин териб юрган кекса чолга дуч келади. Подшоҳ одадгадидек дуо сўрайди: “Ота, бизга бир дуо қилинг, овимиз бароридан келсин”. Чол эса қисқа ва маъноли жавоб беради: “Аллоҳим, сенга минг йил умр берсин, болам”.

Бундан ташқари, маҳалла тадбиркорлари ва ҳоким ёрдамчилари малакасини ошириш мақсадида Хитой, Туркия, Жанубий Корея ва Малайзия каби давлатларга бир ойлик стажировкалар ташкил этилиши ислохотларнинг институционал асосини мустаҳкамлайди. Чунки билим ва тажриба билан қувватланган ислохот барқарор натижа бермайди. Профессонал раҳбарлик ва масъулият эса камбағалликни қисқартришда ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Бу сўз подшоҳни ўйга толдиради. Зеро, дунёда минг йил умр кўрган инсон бўлмаган. Подшоҳ дуонинг маъносини сўрайди. Чол эса хотиржамлик билан жавоб беради: “Болам, тўғри, сен минг йил умр кўрмайсан. Вақти келиб омонат жонингни Яратганга топширасан. Аммо сен бу дунёни тарқ этганингдан кейин ҳам қилган адолатли ишларнинг, халққа қилган хизматларнинг минг йиллар давомида деб дуо қилдинг”. Одамларнинг хотирасида қолсин яна дуо қилдинг”.

Инсон умри унинг яшаган йили билан эмас, балки қолдирган мероси ва халққа қилган фойдаси билан ўлчанади. Шу нуқтанга назардан қарганда, аҳолини камбағалликдан чиқариш ва уларга иқтисодий имкониятлар яратиш ҳам инсонлар учун, ҳам бутун жамият учун минг йилларга татийдиган ҳақиқий хизматдир.

Бугунги кундаги барча дастурлар ва ислохотлар, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш орқали маҳаллаларда имкониятлар яратиш, иш билан таъминлаш ва камбағалликни қисқартриш йўлидаги барча ҳаракатлар тарихда абадий из қолдириши мумкин. Ҳар бир имтиёзли кредит, ҳар бир инвестиция ва ҳар бир маҳалла тадбиркорлиги фақат иқтисодий натижа эмас, балки халқ ҳаётида сезиларли ижтимоий ва маънавий ўзгаришларнинг очiq ифодаси. Зеро, ҳар бир имконият ва ҳар бир ижтимоий қадам халққа қайишадиган иш, жамият тараққиётга қўшилган тарихий ҳиссадир.





Сув ва ҳаёт

Фойдаланилмаётган улкан ресурс



Мухиддин НИЗОМИДДИНОВ,
халқ депутатлари
Тошкент вилояти кенгаши
депутати

Мазкур муаммо Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Утган йил 16 декабрда Президентимиз Тошкент шаҳрини иқтисодий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, шаҳар муҳитини яхшилаш ва муносиб яшаш шaroитини яратиш масалалари юзасидан ўтказилган йиғилишда бу масалага алоҳида тўхталиб, ёмғир суви йиғилдиган 17 та иншоот барпо қилиниши, уларда жамланган обиҳаёт дароҳ ва яшил худудларни суғоришга ишлатилишини таъкидлаган эди.

Минтақамиз табиий-иқлим шарoитига кўра сув ресурсларига бой худудлар қаторига кирмайди, аммо аҳолининг ўсиши, иқтисодиётнинг кенгайиши ва иқлим ўзгаришлари таъсири муаммоларни янада чуқурлаштирмоқда. Ўзбекистон сув ресурсларининг катта қисми транскариервий дарёларга боғлиқ бўлиб, бу ҳолат сув ҳаётига стратегик масалага айлантирмоқда.

Асосий муаммолардан бири сув манбаларининг қисқариб бориши ва барқарор эмаслигидир. Сўнгги ўн йилликларда Марказий Осиёдаги музликлар майдонининг сезиларли камайиши Амударё ва Сирдарё каби асосий сув манбаларига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Натижада сув оқими нотекис тус олмақда. Бу эса қишлоқ хўжалиги, саноат ва аҳоли таъминотида узилтирилган хавфини кучайтирмоқда.

Иккинчи муаммо — сувдан фойдаланиш самардорлигининг пастлиги. Амалиётда ичимлик сув техник ва хўжалик эҳтиёжлари учун кенг қўлланмоқда. Кўп қаватли уйлар, хизмат кўрсатиш объектлари, жумладан, автомобиль ювиш шoхобчалари, кўкalamзорлаштириш ва санитария тизимларида ичимлик сув ишлатилиши сув таъминотида катта босим бермоқда. Сув тармоқларидаги йўқотишлар ва эскирган базис инфратузилма эса бу муаммони янада кескинлаштирмоқда.

Учинчи муаммо муқобил сув манбаларидан етарлича фойдаланилмаётганидир. Ёмғир суви, қайта ишланган оқова сув каби ресурслар амалда ўта зарур бўлса-да, ҳозирча тизимли ва мажбурий ёндашув йўқлиги сабабли кенг жорий этилмаган. Аслида, ёмғир сувини йиғиш ва техник эҳтиёж учун қайта ишлатиш орқали ичимлик сувга талабни сезиларли даражада камайитириш мумкин.

Бугун дунё инсоният тарихидаги энг мураккаб синовлардан бири — сув танқислиги билан юзма-юз келмоқда. У тобора геосийсий, иқтисодий ва экологик масалага айланиб бормоқда. Иқлим ўзгариши, аҳолининг кўпайиши, саноатлаштириш, сув ресурсларидан ноўрин ва самарасиз фойдаланиш натижасида одамлар ҳаёти қийинлашмоқда. Маълумотларга кўра, ҳозир Ер юзиде қарийб 1 миллиарддан ортиқ одам турли даражадаги сув етишмовчилиги шарoитида яшамоқда.

Ёмғир сувидан фойдаланиш лойиҳаси Ўзбекистонда сув танқислиги шарoитида ичимлик сув таъминотида тушадиган босимни камайитириш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда шаҳар ва қишлоқ инфратузилмасини барқарорлаштиришга қаратилган комплекс тизимдир. Мазкур лойиҳа ёмғир сувини табиий жараёнда йўқотиб юбормай, йиғиш, тозалаш, сақлаш ва техник эҳтиёжлар учун қайта ишлатиш тамойилига асосланади. Тизимнинг ишлаш механизми бир неча босқичдан иборат. Аввало, биноларнинг том қисми ёмғир сувини йиғиш учун асосий майдон вазифини бажаради. Ёмғир суви махсус том новлари ва қувурлар орқали йиғилиб, "first-flush" ажраткичдан ўтказилади. Ушбу механизм ёмғирнинг дастлабки ифлос қатламни ажратиб, чанг ва зарарли аралашмаларни тизимга киришидан олдин ажратиб олади. Шундан сўнг сув механик ва қўмли филтлардан ўтказилиб, ёпиқ ва гигиеник талаблар асосида жиҳозланган резервуарларда сақланади. Сақланган ёмғир суви ичимлик учун эмас, балки техник эҳтиёжлар учун мўлжалланади. Хусусан, кўкalamзорлаштириш ва боғларни суғориш, ҳожатхона бакларини тўлдириш, ҳовли ва йўлакларни ювиш, совитиш тизимлари, шунингдек, автомобильларни ювиш жараёнида фойдаланиш мумкин. Бундай ёндашув орқали ичимлик сувга талаб 30-50 фоизгача қисқаради, айрим объектларда эса техник сув эҳтиёжи деярли тўлиқ ёмғир суви ҳисобидан қопланади. Лойиҳанинг яна бир муҳим жиҳати экологик ва иқтисодий самарасидир. Ёмғир сувини йиғиш тизимлари

дренаж ва канализация тармоқларида тушадиган босимни камайитириши, сув тошқинлари хавфини пасайитириши ҳамда ернинг табиий тўйинишига хизмат қилади. Шу билан бирга, ичимлик сувини қайта ишлаш ва етказиб беришга қаратилган энергия сарфини қисқариб, коммунал харажатлар камаяди. Ўзбекистонда ёмғир сувидан фойдаланишга эҳтиёж нўхотянда юқори. Сув ҳавфсизлигини таъминлашда фақат анъанавий манбаларга таяниш етарли эмас, муқобил ва қўшимча манбаларни ишга солиш зарур. Шаҳарозлик нуқтаи назаридан қараганда, ёмғир сувидан фойдаланиш, айниқса, жуда муҳим. Сўнгги йилларда шаҳарлар кенгайиб, янги турар жой массивлари, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, йўллар ва қаттиқ қопламали майдонлар кўпайишмоқда. Бу эса табиий инфилтратсияни камайитириб, ёмғир сувининг катта қисми канализация ва дренаж тизимлари орқали йўқотиб юборилишига олиб келмоқда. Аслида, ушбу сув манбаларининг том қисмидан йиғиб, техник эҳтиёжларга йўналтириш орқали шаҳар инфратузилмасини янада барқарорлаштириш мумкин.

Инфратузилма нуқтаи назаридан ёмғир сувидан фойдаланиш тизимларида сув ва канализация тармоқлари босимини енгиллаштиришни омили сифатида қаралиши лозим. Ҳозир худудларда сув тармоқлари эскирган, йўқотишлар талайгина. Техник эҳтиёжлар учун ичимлик сув ишлатилиши эса муаммоларни янада кучайтирмоқда. Ёмғир сувини йиғиш ва қайта ишлатиш тизимлари йўлга қўйилса, ичимлик

сув асосан истеъмолга йўналтирилади, инфратузилмага босим камаяди. Ҳуқуқий-меъёрий асослар нуқтаи назаридан эса ушбу масалага ихтиёрий ташаббус сифатида эмас, балки мажбурий ва тизимли ёндашув сифатида қараш зарур. Амалдаги шарoитда ёмғир сувидан фойдаланиш бўйича аниқ миллий стандартлар ва қурилиш меъёрида мажбурий талаблар етарли даражада мустаҳкамланмаган. Шу сабабли Шаҳарозлик кодекси ва қурилиш нормаларига тегишли ўзгаришлар киритиш, янги қурилаётган биноларда ёмғир сувини йиғиш тизимларини мажбурий жорий этиш долзарб вазифа.

Автомобиль ювиш шoхобчаларида катта миқдорда ичимлик сув сарфланади — битта машина ювиш учун ўртача 150-200 литр сув кетади. Автомобиль ювиш жараёнининг дастлабки босқичида чанг, лой ва ийрик ифлосликларни кетказиш, кўпиклаш ва чайни ичимлик сув талаб қилмайди. Ушбу жараёнларда йиғилган ва филтратсиядан ўтказилган ёмғир сувдан самарали фойдаланиш мумкин. Ичимлик сувдан эса фақат яқини чайиш босқичида фойдаланиш кифоя қилади.

Ҳисоб-китобларга кўра, замонавий ёндашув ва ёмғир суви асосидаги тизимлар жорий этилган автоювиш шoхобчаларида ичимлик сувга эҳтиёжини камда 60-70 фоиз қисқартириш мумкин. Масалан, кунига 50 та автомобильга хизмат кўрсатилса, анъанавий усулда 9000 литр ичимлик сув сарфланади. Ёмғир сувдан фойдаланилганда эса кунига қарийб 3500 литр ичимлик сув сарфланади. Бундан ташқари, ёмғир сувидан фойдаланиш автоювиш шoхобчалари учун иқтисодий жиҳатдан ҳам фойдали. Сув харажати ва оқова сув тўлови камайиши хизмат таннарихини пасайитириши, тадбиркорлик фаолиятининг барқарорлигини оширади.

Ёмғир сувидан фойдаланиш кўплаб мамлакатларда самарали амалиётга айланган ва турли соҳаларда ижобий натижа бермоқда. Бу ечим сув танқислиги кучли, шаҳарозлик, қишлоқ хўжалиги ва техник эҳтиёжлар учун сув ресурсларини тежаш зарур бўлган худудларда кенг жорий этилган.

Хитойдаги базис шаҳар ва инфратузилма-ларда ёмғир сувини йиғиш тизимлари фаол қўлланмоқда. Масалан, Пекиндаги Миллий стадион ва Миллий сув спорт маркази бинолари томондан йиғилган ёмғир суви ҳожатхона-ларни ювиш, майдонларни суғориш каби техник эҳтиёжларни қисман қондиришмоқда. Пекин шаҳрида йиғилган ёмғир суви ҳажми йилга ўнлаб миллион куб метрга етмоқда.


Сингапурдек кичик шаҳар — давлат ҳам сув бошқаруви бўйича илғор тажрибга эга. У ерда техник эҳтиёжлар учун сувнинг таъминан 45 фоиз ёмғир суви ҳисобидан қопланади. Бу қишлоқ хўжалиги ва шаҳар инфратузилмасида суви тежашга катта ҳисса қўшади.

Германия ва Япония шаҳарозлик тизимларида ҳам ёмғир сувидан фойдаланиш орқали дренаж тизимларига тушадиган босим камайитирилиб, шаҳар худудларида тошқин хавфи пасайитирилмоқда. Германияда боғлар ва санитария тизимларида ёмғир суви қайта ишланади. Япония эса шу орқали шаҳарларни барқарор сув бошқаруви тизимига ўтказмоқда.

Ҳиндистонда анъанавий ҳамда замонавий тизимлар орқали ёмғир сувини йиғиш амалиёти кенг ёйилган. Хусусан, қурғоқчил худудларда сув йиғиш иншоотлари захираларни мустаҳкамлаш, сув тақчиллиги юқори бўлган вақтларда таъминотга хизмат қилади. Бу тажрибалардан фойдаланиш суви тежаш билан бирга, инфратузилма барқарорлигини ошириш, шаҳар муҳитини яхшилаш ва сув таъминотидаги хавфларни камайитиришга хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг иқлим шарoити ёмғир сувидан фойдаланиш учун қўлай. Мамлакатимизда йиллик ёғингарчилик миқдори ўртача 186 миллиметр бўлиб, тоғли ва тоғли худудларда кўрсаткич 300-900 миллиметргеча етади. Бу ёмғир сувини йиғиш учун етарли ҳажмдир. Ўзбекистон шимолий текисликлардан тоғли худудларга катта географик хилма-хилликка эга. Ёмғир суви йиғиш тизимлари учун турли шарoитларда мослашувчан ёндашувлар қўлланиши мумкин. Қурғоқчил марказий вилоятлар учун катта сақлаш резервуарлари, тоғли худудларда эса табиий дренажлардан фойдаланиш имкони бор. Йиғилган ёмғир сувдан техник эҳтиёжлар, суғориш, ҳожатхона тизимлари, автоювиш, кўкalamзорлаштиришда

УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА
ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!



QR-КОД ОРҚАЛИ
ВИДЕОГА ЎТИНГ!



Бир худуд

...1980 йилнинг ўрталари. Аҳмад ака янги рўзгор қилиб, алоҳида чиқадиган бўлди. Ўшанда отаси қишлоқдан бир оз нарида, кенг майдондан уй қуриб бериш харажатида тушган эди. Кўчиб ўтадиган жойни кўриш учун келганида Аҳмад ака атрофга термилди, нима дейишини билмай қолди. Битта-иккита ҳовлини айтмаса, шунчаки янтоқзордан иборат кенглик эди.

Бирорта дароҳт, оқар сув йўқ.

ЁМҒИР СУВИ: ҲАМ НЕЪМАТ, ҲАМ ДАРОМАД



келиш харажатида тушди. Ҳашар уюштириб, катта маблағ сарфлаб, ариқ қазиб, сув келтирилди. Энди аҳоли томорқасида нимадир экиб, рўзгорига ярайдиган маҳсулот оладиган, уйдан ортанини бозорга олиб чиқиб, беш-олти сўм фойда топадиган бўлди.

Авалгига ҳаммаси яхши эди. Лекин кейинчалик айрим муаммолари борлиги сабаб сув оқими тўхтаб қоладиган бўлди. Энди кимдир ариқ ёқалаб борса, камда икки кунда иши битари. Гоҳида қуруқ қайтадиган дамлар ҳам бўлди. Ушанда хўжаликнинг экин майдони учун кўп сув ишлатилар, шундан ортсагина одамларга берилиши мумкин эди. Деярли ҳар кун сув масаласида мижоро кўтариларди. Вақт ўтиши билан кирмон кўтарилди, салқин кунлар бошланган пайтларидеги сув олишга руҳсат тегадиган бўлди. Бу пайтда эса деярли ҳеч ким томорқага экин экмас, сувга эҳтиёж ҳам қолмасди.

— Бундан 45 йил аввал атроф яёлов эди, — дейди Аҳмад ота Худойбердиев. — Кўчиб келганимизда 25 ёшда эдик. Кўп меҳнат билан бу ерни обод қилганимиз. Ер яхши, нима эксангиз ҳам мўл ҳосил оласиз. Аммо обиҳаёт муаммо бўлгани бонис, ердан унумли фойдалана оламасдик. Кейин ҳовлида тажриба тарихида иссиқхона қуриб, лимон эдик. Аввалига айримлар "Йиситиш учун газ керак", деб шунча меҳнатимиз бефойда эканини таъкидлади. Иزلанган имкон топади. Ерни қавлаб, лимонни қуйроққа эдик. Кейин со-вуқ кунларда икки-уч қават плёнка билан ёпиб, ниҳолларни асрадик. Ушанда қишга яқин сув

муаммо бўлмагани бонис, лимонни муаммосиз суғорардик. Сўнг суви олиб келиш катта харажат талаб қиладиган бўлиб қолди. Тежамкорлик йўлини излай бошладик. Иссиқхона ёнида иккита ҳовуз қурдик. Бошида бир йилда бир марта бўлса-да, ариқдан сув келтириб, ҳовузни тўлдириб олардик. Шундан томчиллатиб суғоришни йўлга қўйдик. Кейинчалик ёмғир сувини ҳовузга йиғиб бошладик. Уйнинг тоmidан, иссиқхона тепасидан тушадиган қор-ёмғир сувини қувур орқали ҳовузга тўплаймиз. Ҳисобласак, ёмғир сувидан фойдаланиш анча қўлай, харажати экин олдидедек ариқ ёқалаб кун ўтказиб юрмаймиз. Ҳозир бутун маҳалламизда шу усул қўлланмоқда.

Соҳибкор маҳалласи Камашни туманидаги энг кўп лимон етиштирилган худудлардан. Биргина Аҳмад отанин иссиқхонасида эликдан ортиқ лимон дароҳти бор. Енидаги ҳовлида тўнғич ўғли Абдуманнон ака кўчатиликни йўлга қўйган. У бир мавсумда 5000 та лимон кўчати сотади. Ота-бола иккита иссиқхонадан йилга ўртача 300-400 миллион сўм даромад топмоқда. Кўни-қўшилар ҳам улардан ўрнак олган.

— Маҳалламизда кўпчилик иссиқхона қуриб, лимон етиштиришни йўлга қўйган, мен ҳам шу йилга қўл урдим, — дейди Қурбонали Бойбулов. — Етти сотиқ ерга лимон эдик. Икки йилдан бери ҳосил берипти. Жорий мавсум баркали келди. Икки тоннадан ортиқ ҳосил олдик. 60 миллион сўм бўлди. Ҳали яна 500 килограмма яқин лимон бор. Насиб этса, даромадимиз 80 миллион сўмга бориб қолади. Рости, шу пайтгача

сув масаласига ечим тополмай юргандим. Катта маблағ сарфлаб, анча олисдаги каналдан қувур тортиб келгандим. Каналда бир кун сув бўлса, ҳафтада бўлмайди. Суриштирсам, маҳалламизнинг кекса боғбонлари аллақачон ёмғир сувдан томчиллатиб суғоришга фойдаланаётган экан. Мен ҳам 2025 йил ёзида 50 тонна ситимли ҳовуз қурдим. Ҳозир иссиқхона тоmidан тушадиган ёмғир сувини тўти ҳовузга йўналтириб, бир ҳовузга йиғиб боряман.

Боғбонларнинг айтишича, бу маҳаллада лимончиликни Тўхта бобо Очиллов бошлаб берган. Кейинчалик бошқаларга ҳам ўргатиб, аҳолини томорқадан унумли фойдаланишга ундаган.

— Бунга анча йил бўлди. У пайтларда бу атрофда деярли ҳеч ким лимон экмасди. Аввалига лимон бизда кўқарармикан деб кўп йўладим. Ушанда туманимиз бўйича аттиги уч-тўртта жойда лимон экилган экан. У ҳам бўлса, хўжалик идораларида. Бориб, ҳар бирини ўргандим. Қаровсиз, бир аҳволда эди. Шундай бўлса-да, ҳосил бераётганди. Билдимки, буни экса бўлади. Дастлаб ҳовлимизда кўлбўла иссиқхона қуриб, кўчат ўтказдим. Орадан икки йил ўтиб, дароҳтардан ҳосилга кирди, — дейди ёши 90 га яқинлашган Тўхта бобо. — Ушанда хўжаликда соҳам бўйича ишлардим. Маошим ҳам ўзига яраша, рўзгорини камига арамас, зўрга кун ўтарди. Қўшқиз фарзандим бор. Меҳнат қилиб, кўнчама маблағ топишга интилдим. Бир кун лимонлар пишиб етилган, бозорга олиб чиқдим.

фойдаланилади. Бу ичимлик суви етказиб бериш, тозалаш ва насослаш харажатларини қисқартиради, шу билан иқтисодий тежамкорликни оширади ва даромад келтиради. Бу тизим орқали шаҳар микроклиматини яхшилаш, ичимлик сувга бўлган талабни камайитириш ва дренаж тизимларига тушадиган юкни пасайитиришга қаратилган ишлар бошланмоқда.

Мазкур гояни амалиётга жорий этиш тизимли, босқичма-босқич ва аниқ масъулият механизмига таянган ҳолда амалга оширилиши лозим. Биринчи босқичда ҳуқуқий-меъёрий асос яратиш масаласи турлидир. Аввало, ёмғир сувини йиғиш ва техник эҳтиёжларда фойдаланиш тартибига солуви аниқ талаблар ишлаб чиқилиши зарур. Бунинг учун Шаҳарозлик кодекси ва амалдаги қурилиш меъёрига тегишли ўзгаришлар киритилиб, янги қурилаётган турар жойлар, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, ижтимоий бино-иншоотларда ёмғир сувини йиғиш тизимлари мажбурий талаб сифатида белгиланиши лозим. Шу билан бирга, ичимлик сув ва ёмғир суви тармоқларини ажратиш, санитария ва хавфсизлик талабларини аниқ кўрсатиб берувчи миллий стандарт ишлаб чиқилиши лозим бўлади.

Иккинчи босқичда пилот лойиҳалари ишга туширилади. Лойиҳани дарҳол бутун республика бўйича жорий этишдан кўра, иқлим ва қурилиш фаолиги юқори бўлган худудларда снов тарихида бошланиш мақсада мувофиқ. Масалан, Тошкент шаҳри ва вилоятдаги янги қурилаётган уй-жой массивлари, автоювиш шoхобчалари, савдо марказлари пилот худуд сифатида танланиши мумкин. Ушбу босқичда техник ечимлар, реал сув тежаш ҳажми ва иқтисодий самарадорлик амалий ҳисоб-китоблар орқали баҳоланади.

Учинчи босқичда молиявий ва иқтисодий рағбатлантириш амалга оширилиши керак. Ёмғир сувидан фойдаланиш тизимларини ўрнатаётган қувурчилар ва тадбиркорлар учун солиқ имтиёзлари, кредитлар ёки субсидия механизмининг жорий этиш лойиҳанинг омдалашини тезлаштиради. Айниқса, автоювиш шoхобчалари ва хизмат кўрсатиш объектлари учун бундай қўллаб-қувватлаш қисқа муддатда сезиларли натижа беради.

Қурилиш объектларини фойдаланишга қабул қилишда ёмғир сувини йиғиш тизимининг реал мавжудлиги ва ишланиши мажбурий текширув шарти сифатида белгилаш зарур. Шу билан бирга, маҳаллий ҳокимликлар, сув хўжалиги ва қурилиш идоралари ўртасида аниқ ваколатлар тақсимоти йўлга қўйилиши керак.

Ҳисоб-китоблар ва амалий мисолларга кўра, ўртача 100 квадрат метр том майдонига эга бино йилга таъминан 300 миллиметрлик ёғингарчилик шарoитида 30 минг литрга яқин ёмғир сувини йиғиш имконига эга. Агар 500 квадрат метр том, 5 қаватли 18 хонадонли турар жой биносини олсак, йилга ўртача 150 минг литр техник сув захираси шаклланади. Ушбу сув ҳожатхона тизимлари, кўкalamзорлаштириш ва умумий хўжалик эҳтиёжларида ишлатилса, ҳар бир хонадонда ичимлик сув истеъмоли 30-50 фоизгача камаяди. Йирриқор миқёсда қаралганда, агар фақат 10 мингта хонадонда ёмғир сувини йиғиш тизими жорий этилса, йилга камда 180 минг куб метр (180 миллион литр) ичимлик суви тежаш мумкин. Автоювиш шoхобчалари миқолида эса самарадорлик янада яққол кўринади: йилга 1 миллион литрдан ортиқ ичимлик сув тежалди. Агар бу тизим камда 1000 та автоювиш шoхобчалар жорий этилса, йилга 1,2 миллиард литрдан зиёд сув иқтисод қилинади.

Иқтисодий самарадорлик, аввало, ичимлик суви ишлаб чиқариш, тозалаш ва етказиб беришга қаратилган харажат камайишида намоён бўлади. Сув таъминоти тизимларига тушадиган босим камаяди, энергия сарфи 8-12 фоизгача қисқаради, оқова сув ҳажми камайиши ҳисобига канализация харажати озаяди. Хонадонлар бўйича олганда, бир йилда коммунал тўловлар ўртача 120-250 минг сўмгача қисқариши мумкин. Ҳуллас, ёмғир сувидан фойдаланиш лойиҳаси нафақат экологик, балки аниқ рақамлар билан ишланган иқтисодий фойда келтирадиган, ўзини ўзи тўлиқ оқлайдиган самарали ечимдир.

Қарасам, мендан бошқа бирор кишида бу мева йўқ. Нарҳини суриштирсам, яхшигина экан. Сотилиши бошлаб юбордим. Кўпчилик ҳаваста ҳам олиб кетарди. Меҳнат қилсанг — роҳат кўрасан деганларидек, ҳосилдан тушган маблағ оиламизнинг камига ярай бошлади. Бунинг фойдасини олавергач, иссиқхонада оилавий ишлаб бошладик. Дароҳтар сонини ҳам аста-секин кўпайтириб, иссиқхонани кенгайиттирдик. Энди рўзгор бут, уйда хотиржамлик хукм сура бошлади.

Ташаббус тез қулоч эди. Тўхта бобонинг харажатида даромади ортиб бораётганини эшитган кўни-қўшилар ҳам шу ишининг бошини тутди. Асли бекорчиликни хуш кўрмайдиган бобо ҳам енг шимариб, лимон экиш истади келган ҳар бир кишига тушунча беришдан эринмади. Гоҳида ўзи бош бўлиб экиб берди. Ниҳол ҳосилга киргунга қадар мунтазам хабардор бўлиб, керакли кўрсатмаларни амади. Кейинчалик ўзи лимон кўчатини кўпайтириб сотадиган бўлди. Бу даромадда янада барака кўчди. Энди нафақат вилоят, балки мамлакатимизнинг турли худудидан кўчатта буюртма бериладиган топилди. Бундан ташқари, боғбон бобо болалари билан бирга экиб бериш хизматини йўлга қўйди. Керакли маслаҳатларни эса дом беул бериб келадиган бўлди. Асосийси, ўзи истикомат қиладиган Соҳибкор маҳалласида айнан шу йўналишни тартиб қилди. Натижада бутун аҳолининг асосий қисми лимончилик билан машғул. Ҳалол меҳнат эвазига рўзгори обод, турмуши фаровон бўлмоқда.

— Ҳозир маҳалламизда 741 та хонадон мавжуд. Шундан 300 га яқинида лимончилик бор. Умумий ҳисобда иссиқхоналар худуди 7 гектар. Бир йилда ўртача 600 минг тонна ҳосил олинади. 2025 йилдаги нарх бўйича ҳисобласак, жами 18 миллиарддан ошади. Бу биргина лимоннинг ортидан аҳоли топаётган даромад. Бундан ташқари, чорвачилик ҳам бор, — дейди "Соҳибкор" МФИдаги ҳоким ёрдамчиси Суҳроб Тўраев. — Тажрибали боғбонлар ташаббус билан аҳоли ўз ҳовлисида катта имконият борлигини англаб етмоқда. Натижада томонқаринг ўзидан ўртача 100 миллион сўмгача маблағ ишлаб топмоқда. Айниқса, ёмғир сувини йиғиш, тежамкорлик орқали суғоришнинг жорий этилиши харажат камайиб, даромад ортишига сабаб бўлди.

Акбар РАҲМОНОВ,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Ислоҳот одимлари



БИР ОЙДА 103,5 МИЛЛИАРД СЎМ

ДАВЛАТ ИЖТИМОЙ СУГУРТАСИ ТИЗИМИНИНГ ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРИ

Бошланиши 1-бетда

Иш берувчилардан молиявий юкнинг олинishi

Тахлилларга кўра, ўтган йилларда бюджет ташкилотларида ишловчи аёллар тўлиқ ҳомиладорлик ва туғуруқ нафақаси билан таъминланган. Хусусий секторда ишловчиларнинг учдан бир қисмигина ушбу нафақани олишга муваффақ бўлган.

ҳомилалар аёлларни ишга қабул қилмаслик ёки ишдан бўшатиш каби салбий ҳолатлар кузатилади. Шунинг учун ҳам кўп-кўп ҳомилалар аёллар ташкилотларга иш сўраб боришдан тортинган. Янги тизим бу каби ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятли.



Расмий бандлик рағбатлантирилади

Давлат ижтимоий сугуртаси тизими расмий бандликни ҳам рағбатлантиради. Чунки нафақалар фуқароларнинг сугурта стажига боғлиқ ҳолда тайинланади. Яъни инсон қанчалик узоқ муддат расмий ишлаб, сугурта тизимида иштирок этса, ижтимоий ҳимояси шунчалик мустаҳкам бўлади.

— Янги йилнинг биринчи кунидан бошлаб ижтимоий сугуртанинг янги тизими жорий этилиб, Давлат ижтимоий сугурта жамғармаси ташкил этилди, — дейди жамғарма ижрочи директори Нодир Муслидинов. — Ташкилотимизнинг асосий

мақсадларидан бири — ихтиёрий ва мажбурий тартибда йиғиладиган бадал тўловларини жамлаш ва сугурта ҳодисаси юзга келган фуқароларга сугурта нафақасини тайинлаб, ўз вақтида тўлашнинг таъминлаш. Бадал тўлаш мажбурий ва ихтиёрий шаклда бўлади. Мажбурий шаклда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонун билан миқдори (ставкаси) белгиланган жисмоний шахслардан олинган даромад солигининг бир қисми ҳисобидан, ихтиёрий бадал меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг

5 фоизини ҳар ой жамғармага тўлаб бориш билан амалга оширилади.

Янги тизим жорий этилиши туфайли 2026 йилда бюджет ташкилотларида ишловчи қарийб 2,2 миллион, хусусий секторда банд бўлган 3,6 миллиондан ортқ фуқаро, яъни тартибдаги тадбиркорлар, ўзини ўзи банд қилган ва норасмий секторда фаолият юритувчи 7 миллиондан ортқ шахс давлат ижтимоий сугурта тизимига қамраб олинishi режалаштирилган.

Шунингдек, Давлат ижтимоий сугурта жамғармаси орқали 2026 йилда сугурталанган 165 минг шахсга ҳомиладорлик ва туғуш нафақаси, 1 июлдан бошлаб эса 500 мингга яқин сугурталанган шахсга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик

нафақалари фуқароларнинг муружаатисиз, проактив шаклда тўлаб берилиши кўзда тутилмоқда.

Рақамлаштириш шаффофликни таъминлайди

Янги тизимнинг замонавийлиги тўлиқ рақамлаштирилганда ҳам кўринади. Бу эса нафақаларнинг электрон тарзда, фуқаролардан қўшимча ҳужжат ёки муружаат талаб этилмаган ҳолда автоматик тайинланишига хизмат қилади. Ўз-ўзидан шаффофлик таъминланади, ортқча бюрократик омиллар қисқаради ва инсон иштироки ҳам камаёди.

Шу ўринда қисқа муддат (2026 йил январь ойи)даги амалиёт натижаларига эътибор қаратсак. Ҳомилаларлик ва туғуш нафақаси бўйича Давлат ижтимоий сугуртаси жамғармасига 11,6 мингта касаллик варақаси келиб тушган. Шундан 9 минг таси (77,5 фоизи) бўйича 103,5 миллиард сўм миқдоридagi нафақа тайинланган. Қолган 2,6 мингта меҳнатга лаёқатсизлик варақасидан 1,6 мингтаси (14 фоизи) бўйича фуқаролар расмий банд бўлмагани ёки сугурта стажига етарли эмаслиги сабабли нафақа тайинлаш рад этилган. Қолган варақалар юзасидан нафақа тайинлаш ёки рад этиш масаласи бўйича ўрганиш ишлари давом этмоқда.

Нафақа тайинлангани, тўлангани ёки рад этилгани ҳақида касаллик варақасида кўрсатилган мобил телефон рақамларига тегишли SMS хабарномалар юборилаётгани ҳам фуқароларни ортқча овозгарчиликдан халос этади. Бу ҳам инсон қадр амалда таъминланаётганини ифода қилади. Зеро, биргина мана шу хабардорлик учун ҳам яқин-яқингача одамлар тегишли идораларга йўл ҳақи ва вақт сарфларди.

Давлат ижтимоий сугуртасининг янги тизими шунчаки тўловлар механизмини ўзгартириш эмас, балки инсон қадр, ижтимоий адолат ва давлатнинг фуқаро олдидаги масъулиятини амалда намоён этувчи муҳим ислоҳотдир.

Муножат МЎМИНОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

фирк-мулоҳазалар марказ фаолиятига қизиқиш ва эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда. Кўп-кўп индивидуал масалаҳатлар Мигрантлар ресурслари маркази офисига тақдим этилди. Давлат идоралари ва халқаро ташкилотлар ўртадаги ҳамкорлик мустаҳкамланди.

Марказ фаолияти доирасида айрим муаммолар ва чекловлар ҳам мавжудлиги қайди этилмоқда. Миграцияга оид ҳуқуқий базани мунтазам янгиллаб бориш зарурати, узоқ ва чекка ҳудудларда аҳолига етиб бориш имкони чеклангани, техник қийинчиликлар (интернет, транспорт ва бошқалар) шулар жумласидан. Аини муаммоларга ечим топиб бориш асносида марказ келгусида Ўзбекистоннинг барча вилоятлари бўйлаб қамровини кенгайтиришни кўзда

тутади. Онлайн видеодарс ва рақамли материаллар ишлаб чиқилади. Маҳаллий ОАВ ва ННТлар билан ҳамкорликни кучайтириш, ватанга қайтган фуқаролар учун маълумотлар базасини яратиш, мобил Мигрантлар ресурслари маркази зиминини йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Марказ фаолияти доирасида халқаро ҳамкорлар ва тегишли давлат идоралари билан мунтазам мулоқот ҳамда ҳамкорлик олиб боришмоқда. Учрашувлар давомида меҳнат миграцияси соҳасидаги устувор йўналишлар, қайтган фуқароларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, имкониятлар ва амалий тажрибалар муҳокама қилинади. Буларнинг барчаси марказ фаолиятини мувофиқлаштириш ва уни миллий устувор йўналишлар билан уйғунлаштиришга хизмат қилапти.

Муножат РАҲИМЖОНОВА, журналист

Муносабат



ҚУЙИ БОСҚИЧГА ЮҚОРИ ЭЪТИБОР

Бу — таълим тизимини такомиллаштиришда танлаган йўлимиз

Инсоннинг шахс сифатида шаклланиши, жамиятга ўз ўрнини топишида мактабгача таълимнинг ўрни бекиёс. Илк дунёқарашлар, илк тушунчалар шаклланидиган бу жойда бола жамиятга қўшилиш йўлига қиради. Шу маънода, давлатимиз раҳбари мактабгача таълимнинг аҳамиятини, унинг таълимнинг кейинги босқичларидаги ўрни нечоғлик муҳимлигини кўп бор таъкидлайди.

Аслида, бутун бошли таълим тизими банд бинога қиёсласак, мактабгача таълим — мустаҳкам пойдевор. Шунинг учун, аввало, мактабгача таълим сифатини ошириш, тизимда давлат ўқув дастурларини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама ривожлантириш учун зарур шароитларни яратишга устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Жорий йилнинг 2 февраль кунин Президентимиз мактабгача таълим ва тарбия тизимини янада такомиллаштириш юзасидан тақдирлар тақдими билан танишди. Тақдиримда келгусидаги вазифалар бўйича ҳам ахборот берилди.

Жорий йил 5 февраль кунин давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган "Мактабгача таълим ва тарбия тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармон таълимнинг биринчи бўлимига ҳар қачонгидан жиддий ёндашилаётганини дадалолат беради. Мактабгача таълим



Шерзод КАРИМОВ, мактабгача ва мактаб таълими вазирининг биринчи ўринбосари

Замонавий шароитли таълим ташкилотларида хорижий тажрибаларни жорий этишга ҳам кенг имкон бўлади. Уларни омаллаштириш нафақат ўқувчилар тарбиясига, балки мактаб муҳитини янада яхшилашга ҳам хизмат қилади. Энг муҳими, бу орқали болаларнинг илм-фанга қизиқиши ва интилиши янада кучаяди. Давлатимиз раҳбари мактабгача таълимда илгор хорижий тажрибаларни татбиқ этишга ҳам алоҳида тўхтади. Ҳозир мамлакатимизда хорижий методикаларни ўрганиш ва амалиётга жорий этиш ишлари изчил давом эттирилмоқда.



қамровининг кескин ортаётгани ҳаракатларимиз самарасини кўрсатётган амалий далилдр. Ҳа, бутун имкониятларимизни ишга солиб бутун фарзандларимизни таълимнинг илк босқичига қамраб олишга эришялми. Ушбу хайрли мақсад билан болалар боғчаси ташкил этишга бел боғлаган тадбиркорлар энди аввалгидек сарсон бўлмайди. Улар учун қатор имтиёзлар берилляпти. Жумладан, қамров даражаси 70 фоиздан паст бўлган ҳудудларда ижтимоий солиқ ставкаси 5 фоиз, 80 фоиздан паст бўлган ҳудудларда ташкил этилган нодавлат боғчаларга эса 1 фоиз этиб белгиланяпти. Аини имтиёзлар тадбиркорнинг бошқа ҳудудда мавжуд бўлган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига ҳам татбиқ этилиши бу борадаги фаолиятнинг янада кенгайтирилиши таъминлайди.

Фармон билан таълим соҳасига тегишли нодавлат сектори ривожлантириш, хусусан, давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини субсидиялаш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бўлиши белгиланган. Қамров даражаси 80 фоизга етмаган туманлар учун алоҳида субсидиялар берилдиган бўляпти.

Эътиборли жиҳатлардан яна бири, болаларни ривожлантириш инновацион марказларини ўз таркибига олган "Янги авлод" мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини ташкил этиш белгиланди. Жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳрида, 2027-2028 йилларда эса қолган ҳудудларда шундай боғчалар ташкил этилади. Улар болаларнинг санъат, ижод, робототехника ва касбга доир кўникмаларини эркин шакллантириши кўзда тутилган.

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясида кўзда тутилган ва бирламчи вазифалардан саналган 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш вазифасини сидқидилдан бажариш орқали ҳам кўп ютуқларга эришамиз. Бу билан, аввало, боғча таълимисини мактабга боришга йўл қўйилмайди. Аини натижага юз фоиз эришиш энг бирламчи мақсад сифатида олдимизга қўйилляпти. Мактабгача ва умумий ўрта таълим хизматларини кўрсатувчи нодавлат таълим ташкилотларига бир йиллик мактабга тайёрлов гуруҳларини ташкил этишга руҳсат берилиши бу борада аини муудо. 2027-2028 ўқув йилидан бошлаб мактабга тайёрлов гуруҳларида таълим-тарбия олган болаларга давлат намунасидаги электрон сертификат берилиши, мажкур маълумотлар умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатномада қайди этилиши тизим тарихида бўлмаган ёндашув.

Ўтган йили юртимизда Мигрантлар ресурслари маркази очилган ва асосий фаолияти конуний миграция ҳақида аҳолининг хабардорлигини оширишга қаратилган эди. Шунингдек, янги марказ аниқ ва ишончли маълумот бериш орқали хавфсиз миграцияни тарғиб қилиши, хавфли ва тартибсиз миграция билан боғлиқ масалалар бўйича хабардорликни таъминлаши, одам савдоси ва бошқа ташвишли ҳолатларнинг олдини олишга кўмаклашиши, ватанга қайтган мигрантларга реинтеграция (мослашув) жараёнида масалаҳат ва йўналтириш хизматларини кўрсатиши ҳамда давлат идоралари ва ННТлар салоҳиятини ошириш орқали миграция бошқарувини яхшилаши кўзда тутилган.

Марказ фаолиятини Европа Иттифоқи молиялаштирган. Халқаро миграция сиёсатини ривожлантириш маркази амалга ошираётган лойиҳа доирасида миллий ҳамкор ташкилотлар билан иш юритади. Фаолияти доирасида марказда чет элда ишлагани режалаштираётган фуқаролар, юртга қайтиб келган ва қўловга муҳтож мигрантлар, шунингдек, уларнинг она аъзолари, маҳаллий ҳамжамиятлар, ННТлар ва давлат идоралари, миграция масалаларига қизиққан ёшлар ва талабаларга хизмат кўрсатади.

Биринчи навбатда, хорижга кетиш олди кўникмаларини шакллантиришга эътибор қаратилади. Яъни мигрантга у боришни истаётган давлатга оид маълумотлар тақдим этилади ва масалаҳат берилади. Бу борада индивидуал ва гуруҳлар билан ишланади. Шунингдек, аҳолига маълумот тарқатишда брошюра, флаер ва буклетлардан, хабардорликни оширишда ижтимоий тармоқлардан фойдаланилади. Тарғибот ва ахборот кампанияларида ҳудудларда



ХАВФСИЗ МИГРАЦИЯ УНГА ЭРИШИШ ЙЎЛИДА АЛОҲИДА МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

семинарлар ва учрашувлар ўтказилади. Бу борада бандлик бўлимлари, олий ўқув юртлари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлик қилинади. Интерактив услублар (савол-жавоб, видеолар, викториналар) орқали иштирокчилар жалб этилиб, фаолият ва салоҳият оширилади. Давлат хизматчилари, ННТ вакиллари ва ижтимоий ишчилар учун ҳам ўқув семинарлари ташкил этилади. Миграцияни бошқариш ва ватанга қайтганларни қўллаб-қувватлаш бўйича илгор тажрибалар алмашилади.

Ҳўш, мигрантлар қандай қўллаб-қувватланади? Қайтган мигрантлар учун марказ фаолияти доирасида ахборот ва йўналтириш хизматлари тақдим этилади. Хусусан, бандликка кўмаклашиш, касб-ҳунар ва ўқув курслари, шунингдек, психологик хизматлар бўйича тегишли муассасаларга муружаат қилиш имконияти ҳақида маълумот берилади. Шу билан бирга, ахборот



материаллари доирасида муваффақиятли тажрибалар билан ўртоқлашилади. Қисқа муддатда республика бўйлаб ўтказилган семинар ва учрашувлар орқали аҳолининг хавфсиз миграция масалалари бўйича хабардорлиги ошириди. Билдирилган



Бобурнинг ҲАРБИЙ ЖАНГ САНЪАТИ

Захриддин Муҳаммад Бобур даврида Умаршайх Мирзодан қолган, теурийлар анъанасига асосан шаклланган ҳарбий тизим бор эди. Бу тизимнинг кучи, қудрати ва иқтидорининг асосини қаққон ҳаракатланувчи, керакли пайтда манёвр қила олиш салоҳиятига эга унча катта бўлмаган отлик кўшин — черик (армия) ташкил этарди.

Беклар тасарруфида, Мирзо Бобурнинг ўзи аниқ кўрсатиб ўтганидек, 10 мингдан 30-40 минггача аскар, ўғлон, баҳодур, навар, ясовуллари бўлган. Ғарбий Оврупа давлатларида бўлгани каби уларнинг ҳар бири билан шахсан ҳукмдорнинг ўзи, яъни Бобур алоҳида-алоҳида шартнома тузмас эди. Фақат улғу амирлар Бобур хизматига қўшини билан ўтган, аҳдлашиб байъат қилиниб, унга катта ер-сув, вилоят, шаҳар, туман берилади ва қўшин асосан ана шу бериладиган мулкларга ҳар бир наварини оиласи билан жойлаштиради. Агар аскар оиласи билан илгаридан шу жойда яшаб келаятган бўлса, у бек, амир таъминотига ўтган ҳисобланади. "Ийигит (аскар) кўшинга сафарбар қилинган, унинг оиласининг таъминоти ҳам давлат томонида", деб ёзади С.Жалилов. Шунингдек, наварларга, амирлар ва кўмондонларга уруш ўлжаси — ганиматдан ўз улушларини олиш тартиби ҳам белгилаб қўйилган.

Бобур давлати ҳарбий тизимнинг ижтимоий таркиби қадимги туркий-мўғуллик ясоусун, тўра-тузук қонунчилиги ва анъанасига кўра, асосан туркий ва мўғуллик уруғ-қавмлардан ташкил топган. Ҳарбий кўмондонлар ўнбоши, юзбоши, минбоши, туманбоши, сарҳан, амир, амир-ул-умаролардан иборат бўлган. Ҳарбий кўмондонларнинг мансаб, унвонларга тайинлангани эса, асосан, уларнинг ўз уруғ-қавмларидан ўрни, нуфузи, қўшини сон, қурол-аслаҳалари даражасига қараб белгиланган. Бошқа халқлар ҳарбий хизматга деярли жалб этилмаган. Улар от-улов, ем-хашак, озиқ-овқат, қурол-аслаҳа таъминоти ва бошқа ташкилий ишларда, уруш кетаётган маҳалда асосан, асирлар, қўллар билан бир қаторда ҳашарга жалб этилган.

Бобурда мунтазам ва махсус тайёргарлик кўрган аскарлар бўлмаган. Аммо унинг қўлида отаси даврида шаклланган ҳарбий кўмондонлик, ҳарбий штаб (ички ва ташқи беклар чоргаси), олий умумдавлат чоргаси бўлган. Шу билан бирга, қалъалар, шаҳарлар ва ниҳоят, ҳарбий гарнизонларда Бобур ва унинг амир-ул-умаролари тасарруфидаги ўн мингдан ўттизга, қирқ минггача маълумот, ёлланган отлик кўшин ҳар онда ҳарбий хизматини бажаришга шай турган. Умаршайх Мирзонинг бевақт вафотидан сўнг Фарғона уч томондан бостириб келаятган душманлар ва сарой ичидидаги Ҳасан Яъқуб фитнаси тўғрисидаги жиҳдий



хавф остиди қолди. Шундай оғир вазиятда олий кенгаш ва амирлар кўрсатган қатъийлик ҳамда ушқоқлик сабабли ташқи ҳужумлар ва сиёсий инқироз самарали бартараф этилди.

Айнан мунтазам кўшин, унинг бош ҳарбий штаблари вазифаларини бажарган ички беклар чоргаси ва ташқи беклар чоргаси ҳамда олий давлат чоргаси армия тузиши, ҳарбий тизимни яратиши, унинг сиёсий-ҳуқуқий, қонунчилик асосларини ишлаб чиқиш билан шугулланган. Армияни жангга тўлиқ ҳозирлаш, қуроллантириш, ҳарбий тактикани белгилаш ҳамда душман ҳудудлари ва қалъаларини эгаллаш режаларини ишлаб чиқиш энг муҳим масалалардан бири эди.

Шу билан бирга, разведка маълумотларини йиғиш, буйруқларни тезкор етказиш ва уларнинг ижросини қатъий назорат қилиш тизими йўлга қўйилиши талаб этилган.

Қўшин ва халқнинг руҳий ҳолати, садоқати ҳамда ишончини ўрганишни ўз ичига олган умум мураккаб вазифалар ички, ташқи ва олий давлат чоргалари зиммасига юкланган.

Албатта, Бобурнинг Фарғона ва Самарқанддаги давлат тизими, идора ҳамда Бобурнинг усуллари билан Кобул ва Ҳиндистондаги давлат тизими, идора ва бошқарув усуллари ўртасида ўзига хос фарқлар бўлганидек, ҳарбий

тизим бошқаруви усулларида ҳам катта ўзгаришлар, фарқлар мавжуд эди.

Шунга қарамай, Фарғона ва Самарқандда ҳам, кейинчалик Афғонистон ва Ҳиндистонда ҳам Бобурнинг Шарққа хос жанг олиб бориш стратегияси ва тактикаси деярли моҳиятан ўзгармаган, фақат кўламга кўра ўзгаришга учраган, ҳоло.

Бобур армиясида марказий қўшиннинг ўнг томонида боронгир, сўл томонида жапонгир армия корпуслари, ана шу уч қўшин корпуслари оралигида, улардан сал илгариди, ўнг ва чап ироувл-резерв қўшин корпуслари қаратилган. Урушнинг бошидаги ҳар бир аниқ вазиятга кўлар нисбатига қараб марказий қўшин ёки боронгир ва жапонгир қўшин билан ҳамкорликда жанг қилиш ўнг ва чап ироувл қўшинларининг асосий вазифаси ҳисобланган. Агар ўнг қўл қўшин, яъни боронгир заифлашса, ўнг қўл ироувл унга ёрдамга ташланган. Боронгир душман армияси марказга ёриб кирса ёки боронгир ва жапонгир яшин тезлигида икки ёқдан айланб ўтиб, орқадаги чидовулни пароканда қилиб, марказга орқа томондан ҳужум қилса, ўнг ва чап қўл ироувл корпуслари биргаликда марказий қўшинни ҳимоя қилишга ташланган.

Мирзо Бобур теурий мирозларни умумий душманга қарши бириктиришга,

иттифок тузишга қанчалик қақирмасин, бундай бирлик, иттифок ва ҳамкорлик имкониятларига эга бўлмади. Энг ачинарлиси, ҳали ўзи жуда ёш, етарли жанговар малака ва тажрибага эга бўлмаган ҳолда пухта тайёргарлик кўрмай, унча катта бўлмаган қўшин билан жангга кирган. Шунда ҳам очик жангга енгилмаган, балки ғалаба қилган, таъминотнинг етишмаслиги, мадад кўчлари келмаслиги оқибатда ҳудудни бой берган. Чунки у бобокалонни Амир Теуур каби ҳалол, жасур ва мард жангчи эди.

1511 йилда охириги бора Самарқандни қўлга киритиб, тахтага ўтиришда ҳам унинг иттифокчиси ўз туғишганлари бўлмиш теурий мирозлар эмас, балки Исмоил Сафавийнинг Наҳми Соний бошчилигидаги қўшини эди. Эронийлар билан тузилган бу ўзрак иттифок, ҳарбий ҳамкорлик Мирзо Бобурга нафақат қимматга тушган, балки умуман ватанидан жудо бўлишига олиб келган...

У Кобулда тахтага ўтириб, Шимолий Ҳиндистонда теурий мирозлар салтанатидан тубдан фарқ қиладиган янги салтанат, янги цивилизация, армияга асос солди. Лекин жанг, уруш олиб бориш стратегияси ва тактикаси деярли ўзгармади.

Бобур илгари, асосан, қуруқликда ҳаракатланувчи отлик армия ва қисман пиёда — ҳашарга эга бўлган бўлса, Ҳиндистон фатҳуҳларида армиянинг ижтимоий-этник, диний конфессонал таркиби тубдан ўзгарди. Аскарлар сон, қурол-аслаҳа турлари ва миқдори кўпайибгина қолмай, сифат жиҳатидан янги, замонавий қурол-аслаҳа — тўп-замбарак, милитк, артиллерия ҳамда дарё ҳарбий кемачилигига эга бўлди.

Армия раҳбарияти, кўмондонлик, асосан, туркий мўғуллардан иборат бўлиб, оддий

аскарлар, ўрта зобитлар ичида афғонлар, форс-тожиклар, ҳинд мусулмонлари кўпчилигини ташкил қила бошлади.

Бобур армияси ҳам қуруқликда, ҳам дарё сув ҳавзаларида, денгизларда ўзаро уйғун ҳаракатларни бунинг учун зарур бўлган қуруқликдаги от-улов, дарё-денгизда ҳарбий кемачилиги, алоқа ва коммуникациялари бор эди. Бу жуда катта тезликда, чапдастик билан амалга оширилиши мумкин бўлган бир бутун тизим эди.

Армияси таркиби ва сифат даражасидаги ўзгаришлар Бобурнинг сиёсий, ҳарбий, мафкуравий тафаккури ва дунёқарашида қуролсозлик соҳасидаги техник қадамларини, янгилик ҳамда инновацияларни ўз даврига нисбатан тез, тўғри қабул қилиш, самарадорлигини етарли баҳолай олиш, ақл-заковати, салоҳияти ва кучли иродаси билан изоҳлаш мумкин.

Бобур ҳарбий стратегия ва тактика санъатида ўз йўлига эга бўлса-да, кўпроқ бобоси Амир Теуур анъанасига риоя қилган.

Тўқал Барлоснинг 1000 кишилик қўшинидан 60 та аскари билан мағлуб бўлгани ҳақида Соҳибқирон Амир Теуур бундай ёзган эди: "Амир Хусайнга ҳамма кўчларимизни тўплашни буюрдим: бизнинг барча кўчларимиз атиги олтимиш аскардан иборат экан. Бу кичик гуруҳи мен беш қисмга бўлдим ва ҳар бир қисмга бошлик тайинладим: амир Хусайн, амир Тоға Бугай Барлос, амир Сайфуддин Никударий, амир Доимчи ва амир Садрлар бу қисмларни бошқарди. Мен ўзим танлаган баҳоқирларим билан тепа устида турдим... Жанг тугади. Икки тарафдан ҳам талафот катта эди: бизда атиги етти кишигина тирик қолган бўлса, Тўқал Баҳоқирда ... элликта тирик қолган эди".

Ҳарбий жанг тактикаси санъатининг Амир Теуур ва Мирзо Бобур намоён қилган бу усуллари катта армия енгиллиб, пароканда бўлиб кетганда ёки оз қўшин билан жанг қилишга тўғри келганда қўлланилган. Кўмондон ўзини йўқотмай, юксак ҳарбий тактика санъатини намоён этиб, чапдастик билан армиянинг қолган оз қисмини қочиб кетиш ёки ноубуд бўлишдан сақлаб, тезкорлик билан қайтадан сафлаш, тартиб-иттизом, стратегия ва тактика максатда, вазифаларига бўйсунган ҳолда жангни ғалабага олиб бора олган.

1526 йилнинг апрель ойида Захриддин Муҳаммад Бобур ва Деҳли султони Иброҳим Лўдий ўртасида бўлган Панипат жангини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу жанг ўз шиддати билан тарихда қолди ва Бобурнинг уста саркарда эканини дунёга кўрсатиб берди. Иброҳим Лўдий қўшинининг сон 100 миң аскар ва жанговар филлардан иборат эди, Бобур Мирзо қўшини эса 12 миң кишидан ташкил топганди.

Иброҳим Лўдий катта қўшин билан ҳужумга ўтди, аммо Бобур Мирзонинг ўта нозик тактикалари жанг натижасини ўзгартирди. У тўлғамга усулени қўлаб, душман орқасига ўтиб, унга кучли зарба берди. Шунингдек, 700 та аравага қўзиларнинг ҳом терисидан эшилган арқонлар билан боғлаб, уларни туфанқандозлар ва замбараклар билан қуроллантирди.

Туфанқандозлар ва замбараклар филлар учун таҳдид бўлиб, уларнинг ваҳимасига сабаб бўлди. Филлар орқага қочиб, Лўдий қўшини катта йўқотишларга учради. Иброҳим Лўдийнинг ўзи ҳам жангда ҳалок бўлди ва Бобур Деҳли ҳамда Аграга забт этди.

Бу жанг Бобур нафақат шоир ва шох, балки бобоси Амир Теуур каби буюк саркарда бўлганини кўрсатади.

Карим НОРМАТОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

Мулоҳаза

КУТУБХОНАЛАРДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Сунъий интеллект технологиялари кутубхоначилик соҳасида нафақат техник жараёнларни автоматлаштириш, балки тарихий фондларни илмий таҳлил қилиш, рақамлаштириш, тавсифлаш ҳамда интеллектуал қидирув қамровини кенгайтириш борасида ҳам янги уфқларни очиб бермоқда.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ АНИҚЛИГИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАДИ

АҚШ сунъий интеллект соҳасида инновацияларни қўллаш ва инвестицияларни жалб қилиш борасида етакчи давлатлардан биридир. 2009 йилдан бошлаб АҚШнинг айрим жамоат кутубхоналарида сунъий интеллектга асосланган чат-ботлардан виртуал ёрдамчи сифатида фойдаланиш йўлга қўйилган. Мисол учун, Огайо штатидаги Менор жамоат кутубхонасида жорий этилган "Emma" номи виртуал ёрдамчи фойдаланувчиларга ахборот хизматлари кўрсатишда самарали вақт бўлмоқда. Шунингдек, АҚШ Конгресси кутубхонасининг "Newspaper Navigator" лойиҳаси доирасида сунъий интеллект тизимлари қисқа муддат ичида миллионлаб газета саҳифаларини мураккаб равишда қайта ишлаш ва таснифлаш салоҳиятини намоён этди.

Буюк Британияда ҳам олий таълим ва кутубхоначилик соҳасида сунъий интеллект

илмий тадқиқотларнинг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилишига замин яратди. Сунъий интеллект технологиялари жорий этилиши кутубхоначи касбининг функционал ролини ҳам сезиларли даражада ўзгартирди. Эндиликда кутубхоначи нафақат фондларни сақловчи ва фойдаланувчиларга хизмат кўрсатувчи мутахассис, балки ахборот менежери, маълумотлар таҳлилчиси ва илмий жараёнларни мувофиқлаштирувчи субъект сифатида намоён бўлади. Бу эса кутубхоначилик рақамли компетенциялар, таҳлилий тафаккур ва фанлар билимларга эга бўлишни талаб этади.

Келгусида Ўзбекистон кутубхоналарида сунъий интеллектга асосланган рақамли платформаларни ривожлантириш миллий тарихий-маданий меросни сақлаш ва оммалаштиришнинг янги механизмларини яратди. Бундай платформалар тарихий фондларни глобал илмий маконга интеграция қилиш, халқаро тадқиқотчилар билан ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда миллий манбаларнинг жаҳон миқёсида эътироф этилишига имкон беради. Шу тарихқа сунъий интеллект технологиялари кутубхоначилик фаолиятини модернизация қилиш билан бирга тарих фани ривожига ҳам салмоқли ҳисса қўлади.

Айни пайтда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фаолиятида сунъий интеллект технологияларини чуқурроқ интеграция қилиш масаласи долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўйилган. Хусусан, сунъий интеллект асосидаги OCR ва NTR технологияларини жорий этиш қўлқўзма ёки босма матнларни тезкор ва аниқ рақамлаштириш, уларни илмий муомалага кенг жалб этиш имконини беради. Нашрларни

рақамлаштириш жараёнида матнларни тахрирлаш ва қайта ишлашга мўлжалланган замонавий тизимлар жорий этилган бўлиб, уларда сунъий интеллект ёрдамида матнларни юқори аниқликда таниб олиш, автоматик тилни аниқлаш, метамәълумотларни шакллантириш ҳамда матн бўйича тезкор қидирувчи амалга ошириш имкониятлари мавжуд. Бу эса рақамлаштириладиган ресурслар сифатини ошириш ва улардан илмий мақсадларда самарали фойдаланишга хизмат қилади.

Фондларни тизимлаштириш ва таснифлаш жараёнига сунъий интеллект воситалари татбиқ этилиши натижасида мутахассисларнинг китобларни таснифлашга сарфлайдиган вақти бир неча баробар қисқариб, хизмат кўрсатиш жараёни аниқлиги ва самарадорлиги ошди. Мазкур ёндашув кутубхоначилик фаолиятида инсон омилни билан боғлиқ хатоликларни камайтириш ва стандартлаштирилган библиографик тавсифларни шакллантириш имконини бермоқда.

Фойдаланувчилар учун электрон каталогларда сунъий интеллект ёрдамида овозли сўровларни матнга айлантириш, шунингдек, мослаштирилган тавсияларни тақдим этиш функцияларини ишга туширилган. Ушбу имкониятлар илмий ишлар ва диссертациялар электрон базаларига ҳам татбиқ этилиб, фойдаланувчиларнинг ахборот сўровларига жавоб бериш, уларни таҳлил қилиш ва саралаш жараёнларини сезиларли даражада тезлаштирди.

Кутубхона фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этишнинг яна бир муҳим афзаллиги муаллифлар, ноширлар ва кутубхоналар ўртасидаги ахборот алмашинуви

ҳамда яқуний истеъмолчи билан ўзаро алоқа-лар сифати яхшиланшида намоён бўлади. Ахборот ресурсларига бўлган реал эҳтиёжни таҳлил қилиш имконияти туфайли наشريёт ва савдо тармоқларида талаб қилинмайдиган адабиётлар ҳажми қисқариб, кутубхона фондлари, асосан, фол фойдаланиладиган манбалар ҳисобига шакллантирилади. Бу жараён китобхоналарнинг мўлжаллини ошириш, мўталаба маданиятни ривожлантириш ҳамда жамиятда билимга бўлган эҳтиёжни қулайтиришга хизмат қилади. Пировадидда сунъий интеллект технологияларидан самарали фойдаланиш миллий ўқиш маданиятини юксалтириш ва мамлакатни юқори китобхонлик даражасига эга давлатлар қаторига олиб чиқиш учун мустаҳкам илмий-амалий асос яратди.

Умида ТЕШАБОВЕВА,
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛУТИН ЕЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODNI SKANER ҚИЛИНГ.